Миллий тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1995 йил, 25 июл

7 - сон

Етти иқлим чопари

ЙИҒИЛАЙЛИК – СОЧИЛМАЙЛИК

Кўз тегмасин, шу йилнинг қоқ ўртасида дунё аҳли беш миллиард 750 милён кишига етди. Худо хоҳласа, тинчлик бўлиб турса, келаётган йигирма йилнинг ҳар йилида сафимизга 86 милён нафардан одам қўшилиб боради! Иншооллоҳ, шундай бўлади! Ахир шу кунларда тараққийпарвар инсоният Франция ҳукуматининг ядро синовларини ўтказиш тўғрисидаги қарорига нисбатан норозиликларини жўровоз бўлиб билдириб турибди-ку! Бундан роппа-роса эллик йил муқаддам, худди мана шундай июл ойининг қуёшли кунларидан бирида Америка Қўшма Штатлари тарихда биринчи бўлиб ядро қуролини синаб кўрганини, орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас Хиросима ва Нагасакида мислсиз жиноят содир этганини ҳеч ким унутганича йўқ ҳали! Унутишнинг ўзи бўлармиди? Ахир ана шу аждаҳонинг олов тили ялаган боғларда қайта гул ўсиши тугул тикон ҳам унмаган ҳали! Қирилиб кетган одамларнинг кулларини учирган вақт шамоли теккан нафасларимиз ҳали ҳанўз бўғзимизда юрибди! Офатдан ўлмай қолган жони қаттиқ кишилардан тарқалган майиб-мажруҳ зурриёт эса зийрак нигоҳларга эслатматош бўлиб турибди! Кул бўлган шаҳарлар ҳақи, тун бўлган саҳарлар ҳақи одамлар энди мехрга йўл, бир-бировларига қўл беришлари шарт!

Кеч бўлса-да, шундай бўлди! Хиросима осмонида атом асри бошланганидан хабар бериб унган улкан «қўзиқорин» ўтган ярим аср давомида инсониятни хушёрликка, бирдамликка чорловчи ҳайбатли ундов ҳайкалига айланиб қолди! Шундай бўлгани рост бўлсин! Қулдан яралган бу «қўзиқорин» ушоқланиб кетмасин учун жаҳоннинг зийрак кучлари бирлашиш йўлларини тинимсиз қидирдилар. Халқларининг ҳоҳиш-иродасини англаган давлатлар тинчлик ва ҳамкорликда яшаш йўлига бурилдилар. Афсуски, бу бирлик ўша машъум биринчи синовдан бир ҳафтагина кечикиб амалга ошганди! Жаҳонда ҳар қандай фитна ва зўравонликнинг қўлини қайириб қўйишга қодир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил бўлган эди. АҚШ, собиқ СССР, Буюк Британия ва Хитой давлатлари вакиллари томонидан яратилиб, 1944 йилда асос солиниб, Низоми 1945 йилда тасдиқланган бу ташкилот қирқ бешинчи йилнинг октябридан фаолият бошлади.

Ҳафтамиз халқаро бирдамлик, тинчлик ва тараққиётни, ўзаро ҳамкорликни таъминловчи яна бир нуфузли ташкилот тузилиши ҳақидаги ғояни ҳам етилтирди. Ҳамкорлик ва тинчликни асраш бўйича Оврупа Кенгаши тузилганига ҳам 20 йил тўлди. Бу ташкилотни тузиш ҳақидаги ғоя асримизнинг иккинчи ярмидаги тарихий аҳамиятга молик энг муҳим воқеа бўлганди! Ҳамкорлик ва тинчликни асраш бўйича Оврупа Кенгаши (кейинчалик Умумевропа кенгаши деб номланди)нинг ташкил этилиши худди Гегел фалсафасидаги янглиғ қарама-қарши кучлар бирлиги қонунияти асосида юзага келган.

У аввалига Иккинчи жаҳон уруши асоратларини тугатиш мақсадида тузилган бўлса-да фаолияти давомида қуролланиш пойгасини чеклаш, Германия масаласини тинч йўл билан бартараф этиш, темир деворларни бузиш, «қизил чегара» ичкарисида қайта қуришга, инсон ҳуқуқлари декларациясига имзо чекилгач эса, ҳурфикрлилик ва ҳуқуқий давлатчилик шабадалари елишига замин тайёрлади. Бу нуфузли халқаро ташкилотнинг Хелсинки, Вена каби шаҳарларда ўтган анжуманларида мамлакатларнинг халқаро муносабатларида демократия ва эркинлик таъминланишига оид қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Уларнинг ҳаммаси июл ойида амалга оширилган эди. Ҳозир июлнинг сўнгги кунлари. Бу йилги июл сафар ойига тўғри келди. Сафар ойида одам қандай ният қилса ёки қанақа йўлга чиқса, у умрбод ўша йўлдан кетармиш. 1995 йилнинг сафар ойида халқаро майдонда озмунча хайрли қадамлар қўйилмадими! Мана, ўзимизнинг Марказий Осиё майдонига назар солинг: яқиндагина уч республиканинг фан ва маданият ходимлари ҳамкорлик йўлида якдилликка аҳдлашгандилар. Куни кеча тожикистонлик фан, маданият арбоблари ҳам мазкур даврага қўшилажакларини билдиришди. Матбуотда фикр алмашуви ва ҳамкорликнинг салмоқли аҳамиятини ҳис этган журналистларимиз эса яқинда Бишкекда давра қуриб Марказий Осиё республикалари газеталари Бош муҳаррирларининг халқаро Ассоциациясини тузиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Шунингдек, қўшни худудларда яшовчи халқларгина эмас, балки узоқ-яқин мамлакатлар ҳам ҳамкорлик ҳақида янги-янги ҳужжатларга имзо чекишмоқда. Россия билан Қозоғистон давлатларини Жаҳон Савдо ташкилотига аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар куни кеча Женевада бўлиб ўтган йиғилишда халқаро ишчи гуруҳ томонидан қабул қилинди.

Республикамизда ҳам атрофдаги мамлакатлар билан савдо-сотиқ йўлида янги бир хайрли қадам қўйилди: Вазирлар Маҳкамаси чет мамлакатларга мева-сабзавот сотиш ишларини енгиллаштирувчи қарор қабул қилди.

Ҳамкорликда гап кўп. Бирликда фароғат ва тараққиёт бор.

Бу йўл Ўзбекистонимизга маъмурчилик ва дунёга тинчлик олиб келгай.

МУКАРРАМА

Давра суҳбати

ИҚТИСОДИЙ, ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси марказий ҳайъати ва ЎзФА Қўлёзмалар институти илмий кенгаши ҳамкорликда «Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва миллий тикланиш ғоялари» мавзуида давра суҳбати ўтказди.

— Комил инсонни тарбиялаш дунёда барча замонларда мавжуд бўлган мафкураларнинг диққат марказида турган, — деди партия раиси ЎзФА академиги Азиз Қаюмов давра суҳбатини очаркан. — Одамзод онгга эга бўлибдики, комил инсон қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб излайди. Бизнинг давримизга келиб, комил инсон аввало инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик фазилатларига эга бўлмоғи керак, деган хулоса ҳамма халқлар томонидан тўла эътироф этилди. Шуни қониқиш билан қайд этамизки, Президентимизнинг янги китобида ҳам, комил инсон муаммоси борасида қимматли фикрлар ўртага қўйилгандир.

Давра столи атрофидаги суҳбатни ЎзФА академиги Иброҳим Искандаров бошлаб берди. Президентнинг янги китобини батафсил, чуқур таҳлил этиб, ўз ўй-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Қуйида унинг сўзи ва давра иштирокчиларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Абдувоҳид АБДИҒАНИЕВ (иқтисод фанлари доктори, профессор):

Китоб муаллифи Ислом Каримов иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки якунлари ва истиқболдаги вазифаларини назарий жиҳатдан умумлаштириш билангина чекланиб қолмаган, балки уларни мустақил давлат сифатида миллий истиқлол йўлидан бораётган, изчиллик билан миллий иқтисодиётни шакллантираётган Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати билан узвий боғлаган.

Миллий тикланиш партиясининг устави, дастурида акс этган мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда И. А. Каримовнинг китобини ўрганадиган бўлсак, назаримда алоҳида эътиборга сазовор бўлган қуйидаги фикрга тўхталмай иложимиз йўқ. Муаллиф таъкидлагандек, «Одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан ҳоли қилиш ғоят муҳимдир. Одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартириш заруриятига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас».

Демак, партиямиз энг аввало, ўз аъзоларининг иқтисодий, замонавий билимларини чуқурлаштириши керак, қолаверса, мамлакатимиз барча фуқароларининг иқтисодий тафаккурини янгилашига зарур ҳиссасини қўшмай туролмайди.

Ислом Каримов айтганларидек, «Иқтисодий ислоҳотлар бозор муносабатларининг реал механизмларини аста-секин, қадам-бақадам шакллантириб бериши зарур. Бу механизмлар дарров ишга тушиб кета олмайди, улар аста-секин созланади, йўлга қўйилади».

Ўзбекистонда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси — иқтисодиётни бошқа ҳолатга ўтказиш ва бозор муносабатларига ўтишнинг умумий мафкурасидир. Шу билан бирга, ҳар бир босқичнинг ўз стратегик мақсадлари ва устивор йўналишлари белгилаб олинади.

Шунга мувофиқ, ҳозирги ик-

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИ ВИКТОР СТЕПАНОВИЧ ЧЕРНОМИРДИН

1938 йил 9 апрелда Оренбург вилояти Саракташ туманининг Чёрний отрог қишлоғида туғилган.

Қуйбишев политехника институтини, Бутуниттифоқ сиртқи политехника институтини муҳандис-технолог ва муҳандис-иқтисодчи ихтисослари бўйича тугатган. Техника фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилда бошлаган. Оренбург вилоятидаги Орск нефтни қайта ишлаш заводида чилангар, машинист бўлиб ишлаган, совет армияси сафида хизмат қилган.

1960—1962 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида машинист, оператор.

1962—1966 йиллар — Куйбишев политехника институтида таҳсил олган.

1966—1967 йиллар — Орск нефтни қайта ишлаш заводида технология қурилмаси бошлиғи.

1967—1969 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси инструктори.

1969—1973 йиллар — КПСС Орск шаҳар қўмитаси саноат-транспорт бўлими мудири ўринбосари, бўлим мудири.

1973—1978 йиллар — Оренбург газни қайта ишлаш заводида бош муҳандис ўринбосари, директор.

1978—1982 йиллар — КПСС Марказий қўмитаси оғир саноат бўлими инструктори.

1982—1983 йиллар — СССР газ саноати вазирининг ўринбосари.

1983—1985 йиллар — СССР газ саноати вазири ўринбосари, Тюмен вилоятида газ қазиб олиш бўйича бутуниттифоқ саноат бирлашмаси (Тюменгазпром) бошлиғи.

1985—1989 йилар — СССР газ саноати вазири.

1989—1992 йиллар — «Газпром» давлат газ концерни бошқаруви раиси.

1992 йил май ойидан декабр ойига қадар — Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ёнилғи-энергетика мажмуи бўйича ўринбосари.

1992 йил декабридан — Россия Федерацияси Вазирлар Кенгаши Раиси.

1993 йилдан — Россия Федерацияси ҳукумати раиси.

Уйланган, икки ўғли бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати

Эркин ВОҲИДОВ, Ўзбекистон Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси

ДУНЁ БИЗНИ ТАНИМОҚДА

Яқинда Канаданинг Оттава шаҳрида Европа Хавфсизлик ҳамда Ҳамкорлик ташкилоти парламент Ассоциациясининг 4-сессияси бўлиб ўтди. Элликдан ошиқ давлатлар юқори қонун чиқарув органлари вакиллари иштирок этган нуфузли анжуманда жумҳуриятимиз Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, ноиблардан Омон Олимжонов ва Эркин Воҳидовлар вакил бўлиб қатнашишди. Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис халқаро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов таҳририятимиз илтимосига кўра анжумандан олган ўз таассуротларини мухбиримизга гапириб берди:

— Ушбу жаҳонщумул аҳамиятга молик ташкилот анжуманида дунёнинг уч қитъасидан ташриф буюрган миллат вакиллари она сайёрамизнинг энг оғриқли, энг долзарб муаммоларини муҳокама этдилар. Табиийки, собиқ Югославия, Тоғли Қорабоғ, Чеченистон, Тожикистон сингари можароли минтақалар анжуманнинг диққат марказида бўлди. Вакиллар чеккадан туриб, ўнғайгина маслаҳат бериш билангина кифояланиш йўлидан борадилар. Балки бу ҳудудларда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш, поймол бўлаётган инсон ҳуқуқларини тиклаш, тенглик тараққиётни, демократик тамойилларни таъминлаш восита ва йўлларини изладилар, муҳокама қилдилар.

Фаолиятнинг ишчан ва самарадор бўлишига эришиш учун анжуман 3 та қўмитага бўлинган ҳолда иш олиб борди. Сиёсий масалалар ва хавфсизлик муаммолари муҳокама қилинган қўмитада жумҳуриятимиз номидан Олий Мажлис раиси Эркин Халилов, демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари хусусида баҳс юритилган қўмитада эса Омон Олимжоновлар маъруза қилдилар. Иқтисод, фан-техника ҳамда экология муаммолари таҳлил этилган қўмитада камина бутун Марказий Осиёда атроф-муҳит муҳофазаси, хусусан, Орол денгизи мисоли борасида ўз мулоҳазаларимни баён қилдим. Ўзингизга аён, БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, Европа Хавфсизлик ҳамда Ҳамкорлик ташкилотининг Будапештда бўлиб ўтган йиғинида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов жаҳон жамоатчилик диққатини Орол муаммосига қаратган ва бу фалокат оқибати бутун башарият тақдирига хавф солиши мумкинлигини очиқ-ойдин кўрсатиб берган эди. Инчунун, Европа Хавфсизлик ҳамда Ҳамкорлик ташкилотидек бағоят эътиборли ҳамжамиятнинг Орол денгизи минтақасида амалга оширилажак улкан ишларга имкон даражасида кўмак беруви-нинг ўзи замон талабидир. Зеро, кулфатнинг на миллати бўлади, на ҳудуди. Жажжигина сайёрамизнинг қай бир нуқтасида рўй бермасин, фалокатнинг олдини олишга ҳиссамизни қўшиш ҳар биримизнинг ва бутун бани башарнинг эзгу юмуши.

Истиқлол туфайли биз дунёни таниб бормоқдамиз, дунё эса бизни. Бу кўнгилга сурур, айни пайтда масъулият олиб киргувчи ҳолат исботи тариқасида бир масалага диққатингизни жалб этсам дегандим. 4-8 июл кунлари давом этган анжуман ниҳоясида Ассамблея раисининг муовинлари лавозимига номзодлар кўрсатилди. Бўшаб қолган беш ўринга саккизта мамлакат парламентлари ўз вакилларини кўрсатдилар. Демократик тарзда ўтган яширин овоз бериш натижасида АҚШ, Дания, Венгрия, Литва мамлакатлари номзодлари қатори Ўзбекистон парламенти раиси Э. Халилов Болгария, Туркия, Италия вакилларини ортда қолдириб фахрли муовин лавозимига сайланди.

Бир шоҳид сифатида айтаманки, ушбу мўътабар анжуман мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустаҳкам ўрин олаётганини, обрў-эътиборга эга бўлиб бораётганини яна бир карра исбот этди. Мажлислар, қабул ва зиёфатлар чоғи турли миллат вакиллари билан яқиндан мулоқотда бўлдик. Фикр алмашдик. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бошчилигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўла маъқуллашларини, хусусан, бозор иқтисодига босқичма-босқич, ижтимоий барқарорлик вазиятида ўтилаётганлигини, демократик тамойиллар ҳам тобора қарор топиб бораётганлигини мақтовга ва ибратга сазовор фаолият деб баҳоладилар.

Чиндан ҳам мустақил юртимизга мос ва хос танланган йўлда собитқадамлик билан янги жамият қуришда давом этмоқдамиз.

Ҳолбуки, баъзан Ватан бағрида яшаб туриб, ўз майда ташвишларимиз билан бўлибми, кечаётган буюк ўзгаришларни ҳис қилиш, амалга оширилаётган тарихий ислоҳотларни англаш неъматидан ўзимизни маҳрум этиб қўямиз. Шундай паллалари баайни кўкдан туриб қузатгандай, мусофир юртдан ўз Ватанига нигоҳ ташлаш — олдингдан оққан сув қадрини билиш имконини беради. Ватанингга хайрихоҳ кишиларни умид-ишончи эса сенга қанот бағишларкан. Мустақил Ватан дейишга милён карра арзийдиган юртнинг эгаси эканлигингдан, давлатингнинг буюк келажагидан кўнгил шукроналик ва ифтихор ҳисларига тўлади.

Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, дейди халқимиз. Тўрт кун давомида деярли узлуксиз тарзда сайёрамизнинг можароли муаммолари хусусидаги қизғин баҳсларни тинглаб, қурбонлар, мажруҳлар, юртидан ажрилганлар тафсилотларини эшита-эшита кишининг юраги изтиробга, аламга тўлиб кетар экан. Дунё ҳали такомилликдан қанчалар йироқ! Минг шукрки, яратганнинг иноятн боис, меҳнаткаш элимизнинг донишмандлиги самараси сифатида ва шубҳасиз, юрт раҳбарларининг қатъий саботи оқибати ўлароқ Ўзбекистонимизда тинчлик, осойишталиқ барқарорлигининг ўзи буюк неъмат эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Набира назмдан ҳам ширин

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА

обуна бўлишни унутманг! Халқни халқ қиладиган фикрлар ҳамиша сиз билан бирга бўлади. Матбуот тарқатиш маркази каталоги бўйича индексимиз шахсий обуначилар учун—64618, ташкилотлар учун—64619.

Давра суҳбати

ИҚТИСОДИЙ, ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ҚИРРАЛАРИ

Иброҳим Искандаров, ЎзФА вице-президенти, академик

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Мана тўрт йилдирки, мустақил республикамиз ислоҳотлар чуқурлашиб бораётган, янги ижтимоий муносабатларни ифода этаётган бозор иқтисодиёти ҳаётимизнинг барча жабҳаларидан муносиб ўрин эгаллаётган тарихий даврнинг таъсир доирасида ривожланмоқда.

Маълумки, ўтмишда бир тизимдан иккинчисига ўтиш жараёни катта талофатлар, йирик тўқнашувлар ва қурбонлар эвазига содир бўлган ва уни бартараф этиш кўп йилларни талаб қилган. Бизнинг мамлакатимизда бу жараённинг ларзаларсиз, шикастсиз эволюцион йўл билан боришининг сабаби энг аввало халқимизнинг маданий ва маънавий бойлигининг юксаклигида, қолаверса, шу халққа бош бўлган, давр талаби асосида мамлакатимиз Президентлигига сайланган И. А. Каримовнинг ҳаёт тажрибасининг теранлиги, сиёсий жиҳатдан етуклиги ва донолигидадир. Маълумки, СССР тугатилиши билан иқтисодий алоқаларнинг узилиши туфайли вужудга келган қийинчиликлар собиқ республикаларнинг ҳаммасига бир хилда тааллуқли. Аммо бу қийинчиликлардан чиқиб олишнинг йўллари уларнинг ҳар бирида ўзгачадир.

Албатта, бу йўлларни танлаш чуқур таҳлил ва тажрибани талаб этади. Шошма-шошарлик билан иш тутиш айрим республикаларда фожиаларга сабаб бўлмоқда.

Мана шундай ҳолатга тушиб қолишнинг олдини олиш мукаммал ишланган стратегия ва уни қатъиян амалга оширишни талаб қилади. Бундай стратегик дастур И. А. Каримов раҳбарлигида бунёд этилган ва у ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Бу соҳада олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганлиги ва жаҳон мамлакатлари эътиборини жалб этаётганлиги билан диққатга сазовордир.

Энг аввало, ўзимизнинг мустақил давлатчилигимиз барпо этилди ва унинг идора этувчи ҳуқуқий асоси яратилди. Мамлакатимизнинг асосий қонуни, давлат ва жамиятимизни мақсад ва вазифаларини белгиловчи ва тартибга солиб турувчи бир қатор қонунлар қабул қилиндики, булар мамлакатимизни демократик йўл билан ривожланишига асос бўлмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мамлакатимиз учун мутлақо янги бўлган, мулкчиликнинг ҳар хил шакллари бўлмиш хусусий ва кўп укладли мулкка асосланган, дунё сари дадил қадам ташлаётган очиқ иқтисодиётга ўтиш содир бўлмоқда ва янги тарздаги молия, банк-кредит, тижорат тизимлари барпо бўлмоқда.

Булар туфайли мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси кучайиб, чет эллик сармоя эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортмоқда, уларнинг олиб келаётган сармояларининг ҳажми кўпаймоқда ва кенгаймоқда.

Демократик давлат ва фуқаролар жамиятини яратишни йўлга қўйиш мақсадида тегишли давлат жамоат ташкилотлари ва тизимлари шакллантирилмоқда.

Бу йўналишларда олиб борилаётган фаоллик фуқароларимизнинг дунёқарашларида, ҳаётга муносабатларида ижобий силжишлар юз беришига сабаб бўлмоқда. Энг муҳими, бозор иқтисодиётининг заруриятини кишилар кенгроқ фаҳмламоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, мустақилликка эришиш муаммоларини ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг долзарб масалаларини аксарият мамлакатлар асрлар давомида ҳал этишга муяссар бўлган. Бизнинг шароитимизда бу икки муҳим ижтимоий-иқтисодий сиёсий муносабатларни бирданига ҳал этишга киришиш қатор муаммоларни юзага чиқармоқда.

***

И. А. Каримовнинг мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий силжишларнинг назарий омиллари ва амалий йўналишларини чуқур таҳлил қилиш асосида ёзилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» йирик асарида республикамизда мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда қўлга киритилган муваффақиятлар кўламига объектив баҳо берилган, иқтисодий ислоҳотлар ижтимоий ривожланиш даражаси ва булар туфайли халқимиз тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар кенг таҳлил этилиб, келгуси стратегик вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Китобда қайд этилганидек, биринчи босқич олдига қўйилган бутунлай янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, эскича фикрлаш ҳиссиётларига барҳам бериш каби вазифалар ҳал этилган бўлса, унинг иккинчи қисмида — хусусийлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантиришни чуқурлаштириш, иқтисодий барқарорликка эришиш ва унинг таркибини тубдан ўзгартириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, ижтимоий кафолатлари кучли бўлган демократик давлатни шакллантириш каби вазифалар олдинга сурилган. Шунинг билан бирга мамлакат ривожланишининг устивор йўналишини аниқлаб беришга алоҳида эътибор қаратилган ва булар илмий ва амалий жиҳатдан ҳар тарафлама асослаб берилган.

Аслини олганда бу ёндошувларнинг ҳаммаси жаҳон тан оладиган буюк давлат барпо этиб, унда кўпайиб бораётган халқимизнинг тўқ ва фаровон яшашини таъминлашга қаратилган.

Ислоҳотларни ижро этилишининг амалий чоралари мазкур китобнинг асосий белгиларидан биридир.

Шу жиҳатдан биринчи чора-тадбирлар сифатида молия ва солиқ, кредит-пул, нарх-наво сиёсатларида кескин ўзгартиришлар юз берганлиги муҳим аҳамиятга молик эканлиги алоҳида кўрсатилган. Айниқса, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини деб белгиланганлиги энг зарур чоралардан бири бўлди. Ва уни изчиллик билан амалга оширилганлиги бугунги барқарорликнинг кафолати дейилса муболаға бўлмас. Чунки мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган биронта жараён йўқ. Бу соҳада амалга оширилган ижобий амалий тадбирлар ҳақида китоб тўла ва бой маълумотларга эга.

***

Муҳим амалий чоралар мажмуасига китобда қайд этилганидек, давлат мулкини хусусийлаштириш ва кўп укладли иқтисодиёт асосларини шакллантириш борасидаги тадбирлар киради. Чунки мулкка ким эгалик қилиши масаласини ҳал этиш жамиятлардаги ижтимоий муносабатларнинг марказий масаласи бўлиб келган. Бу муаммога ҳам республикамизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шошма-шошарликсиз ёндошиш унинг барқарорлигининг гаровидан биридир. Республикада мулкни хусусийлаштириш жараёни бошқа мамлакатлардан фарқли.

Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Бинобарин, давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш муҳим вазифа сифатида белгиланди. Ва уни амалга оширишнинг аниқ механизмлари ишга туширилганлиги китобда кенг ўрин эгаллаган. Шунга мувофиқ мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли социал кафолатлар яратилганлиги ва таъминланаётганлигига алоҳида урғу берилган. Амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар туфайли хусусийлаштириш бўйича муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, дастлабки кичик хусусийлаштириш жараёни тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни бошқа мулкчилик шаклларига айлантириш бўйича муассасалар тизими тузилди. Кичик хусусийлаштириш жараёни 1994 йилдаёқ тугалланган. Эндиликда савдо-сотиқнинг ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 82% ортиқроғи давлат тасарруфида бўлмаган секторга тўғри келмоқда. Давлат ўй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки қилиб тарқатилди. 1994 йил охиригача 54 минг корхона ва объектлар давлат тасарруфидан чиқарилди. Хусусийлаштирилган корхоналар негизида чет эл капиталини жалб қилиш йўли билан қўшма корхоналар тузилмоқда. Хусусий корхоналарнинг сони 20 мингга етказилди.

Буларнинг ҳаммаси хусусийлаштириш жараёни республикамизда эндигина авж олаётганлигидан далолат беради. Ерга эгалик қилиш масаласига мазкур асарда алоҳида эътибор берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизнинг деярли 70 фоизи қишлоқ жойларда яшашлигини ҳисобга олсак ва жон бошига фақатгина 20 сотихгина экиладиган ер тўғри келса, бу кўрсаткич Қозоғистонда 2,2га, Россияда, Украинада 1 га тўғри келишлиги ҳисобга олинса, республика қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказиш қанчалик мураккаблигини ҳис этиш қийин эмас. Бунда ҳар қандай эҳтиётсиз қўйилган қадам, иқтисодиётимиз ва ҳаётимизнинг асоси бўлган қишлоқ хўжалигига, деҳқончиликка қанчалик путур етказиши мумкинлигини фаҳмлаш қийин эмас. Боз устига экин майдонларининг мелиоратив ҳолати замон талабига тўла жавоб бермаслиги ҳисобга олинса қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ўз хусусиятлари асосида амалга оширилмоғи лозимлиги аниқ эди.

Чунки деҳқончилик мамлакатимизнинг энг қадимий соҳаларидан ҳисобланиб, инсоннинг ҳаёти бу ерда юз берган қатор ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг онгида чуқур из қолдирган. Ҳар бир ижтимоий ривожланиш босқичида ердан фойдаланиш тартиби ҳар хил бўлиб, ўша даврнинг манфаатларини акс эттириб, бир-бирларига ўта зид бўлган.

Чоризм мустамлакасидан кейин ерларни капитализм тартиблари асосида хусусийлаштириш жараёни тезлаштирилди. Оқибатда биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда суғориладиган ерларнинг 90 фоизи хусусий мулкка айлантирилган.

Социалистик тузумда бу қоидалар бекор қилиниб, ер умумдавлат мулкига айлантирилиб, ундан асосан жамоачилик асосида фойдаланиш тартиби жорий этилган.

Мана бундай бир-бирини инкор этувчи муносабатлар ердан мукаммал фойдаланиш даражасига, ерга эгалик қилиш характерига, деҳқончиликда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш имкониятига чуқур салбий таъсир қилган. Қолаверса, инсонларни меҳнатга бўлган ихлосига ҳам таъсир қилган.

***

Мустақил давлатимизда қишлоқда бозор муносабатларини амалга ошириш деҳқонга ерни мерос қилиб қолдириш, ундан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини бериш асосида эришилди. Бу сиёсат деҳқонда хўжайинчилик, ўз маҳсулотига тўла эгалик ҳиссиётини уйғотди. Ҳозирги мамлакатимиздаги тўқинчиликнинг илдизлари Президентимиз томонидан компромиссиз, маҳорат билан олиб борилаётган сиёсатга тақалади. Бу жабҳада олиб борилган самарали ишлар натижаси асарда атрофлича ёритилган.

Маълумки, янги ижтимоий муносабатларга ўтиш мамлакатни бошқаришнинг янги тизимини барпо этишни тақозо этади. Шунинг учун мазкур масалани ҳал этиш, яъни бошқарув соҳасида ислоҳотларни амалга оширишдек сермазмун фаолиятга китобда кенг ўрин ажратилган. Амалга оширилган жадал ишлар туфайли бу машаққатли жараёнда Президент таъбири билан айтганда «Ҳозир бошқарувни ислоҳ қилиш умуман ва етарли даражада муваффақиятли амалга оширишлар республика иқтисодиётининг тармоқлари ва айрим муҳим соҳаларни бошқариш тизимида ҳам юз берди.

Шунга биноан қуйи бўғин ташкилотлари ва корхоналарга иқтисодий эркинлик берилиб, улар ўз ишлаб чиқаришларини ташкил этиш ва маҳсулотларини эркин сотиш ҳуқуқига эга бўлишлиги алоҳида таъкидланган.

***

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг ҳудудий таркиби ўзгарганлиги тажрибаси алоҳида эътиборга молик. 1992 йилдан бошлаб янги талаблар асосида вилоят, туман ва шаҳарларда жойлардаги вакиллик ҳамда ижроия-бошқарув ҳокимиятига раҳбарлик қилувчи ҳокимлик жорий қилинди. Бу эски бошқарувга қарши ўлароқ мутлақо ихчам ва самарали бошқарув тизимидир. Шубҳасиз, бундай ўзгаришлар катта куч, дадил қадам ва ақл-идрок асосида амалга оширилган инқилобий тадбирлар мажмуасига киради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, республикамизнинг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш эса жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисмига айлантириш бўйича оламшумул тадбирлар амалга оширилганлиги алоҳида ғурур билан баён этилган.

Бу соҳада эришилган ютуқларнинг изоҳи сифатида Ўзбекистонни дунёдаги 150 дан ортиқ давлат тан олганлиги, улардан 75 таси билан дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги ва республикада 30 дан ортиқ мамлакатларнинг — АҚШ, Япония, Олмония, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчихоналари ишлаб турганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Бундан ташқари республикамиз кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари фаолиятида қатнашаётганлиги муҳим бир воқеадир.

Айниқса, Марказий Осиё республикалари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш бўйича Президентимиз И. А. Каримовнинг саъй-ҳаракатлари самарали бўлмоқда.

***

Китобда «Барча ислоҳотларнинг — иқтисодий, демократик, сиёсий ислоҳотларнинг асл мақсади инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат» — деб таъкидланади.

Шунга биноан инсон ва оила ҳаётининг барча соҳаларини таъминлашга қаратилган ва бир-бирини тўлдирувчи чора-тадбирларнинг бутун бир тизими шаклланди.

Маълумки, маънавияти бой, руҳияти тетик халқ доимо мустақиллик орзусида яшаган ва унга эришиш учун тинимсиз кураш олиб борган. Бу жиҳатдан она заминимизда қадимдан то ҳозиргача юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришлар унга яққол далил бўла олади. Чунки беқиёс моддий ва маънавий бойликка эга бўлган юртимиз ажнабий ғаниларнинг эътиборини қаратиб бир неча бор талончилик маконига айланиб келганлиги ўтмишдан маълум (ахмонийлар, Юнон, Хитой, Араб, Мўғул, Чор Россияси истилочилари ва бошқалар). Лекин маҳаллий аҳоли бундай босқинчилик сиёсати билан ҳеч бир даврда чиқишолмади ва ўз мустақиллиги учун тинимсиз кураш олиб борди ва зафарларга эришди. Тўмарис, Спитамен, сарбадорлар қўзғолонлари юз берди, буюк давлатлар барпо этилди. (Кушон ва Хоразм салтанатлари, Қанғ, қорахонийлар, суғдийлар, сомонийлар, темурийлар, шайбонийлар давлатлари, бобурийлар салтанати, ўзбек хонликлари ва бошқалар).

Бундай давлатларда йирик иншоотлар, шаҳарлар бунёд этилган. Бинобарин, бу ерда моддий ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият замон талаблари асосида ривожланиб, жаҳон миқёсида муносиб ўрин эгаллаганлиги эндиликда дунёга маълум.

Халқимиз мана шу салоҳиятнинг меросхўри эканлигидан фахрланишига тўла асос бор ва бу алоҳида масъулият ҳиссини уйғотади.

И. А. Каримов ўз асарида таъкидлаганидек, «Чинакам цивилизациялашган бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида, юксак ахлоқлилик ва ватанпарварлик негизларида барпо этилиши мумкин» (141-бет).

Бу йўналишда муаллиф томонидан қатор йўл-йўриқлар тавсия этилганлиги, жумладан умумхалқ миллий мустақиллик мафкурасининг яратилганлиги муҳим бир воқеадир. «Янги мафкуранинг асл маъноси, — деб таъкидлайди И. А. Каримов, — эскича ақидалардан ҳоли бўлган, мустақил ва янгича фикрловчи кишиларни тарбиялашдан иборатдир» (152-бет). Бинобарин, мафкура жамиятимизнинг маънавий устунларидан бири бўлиб инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ўз ифодасини топиши жоиздир. У янги жамиятимиз куч-қудратини оширишга, адолатли, инсофли инсоний бозор муносабатларини ўрнатишга, ана шундан келиб чиқадиган таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишга хизмат қилиши лозим. Айни бир вақтда жаҳон цивилизацияси талаблари асосида янгиликка интилувчи, соғлом фикрловчи, замонавий фан-техника ютуқларини ўрганиб, уларни ҳаётга жорий қиладиган кишиларни тарбиялаб етказиш — мафкуранинг ажралмас қисмидир. Қолаверса, ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик, тенглик туйғуларини уйғунлаштириш мазкур мафкуранинг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур асарда маънавият, маданият ва мафкурага таяниш жабҳалари кенг таҳлил қилинган.

***

Маълумки, ҳар қандай йирик ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлардан кўзланган мақсад ривожланиш, барқарорлик ва тинчлик тотувликни таъминлашдан иборатдир. Республикамизда ислоҳотлар ўтказиш жараёнида мана шу мақсадларга эришилди. Бунга қандай йўллар туфайли эришилганлиги муаллиф томонидан синчиклаб анализ қилинган.

Энг муҳими, ҳамдўстликдаги қатор давлатлардан фарқли ўлароқ Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг ялпи таназзули, аҳолининг турмуш даражасининг пасайиши рўй бермаганлиги асарда мароқ билан ифодаланган.

Устивор йўналишларни аниқлаб бутун жамият салоҳиятини уни амалга оширишга қаратиш ислоҳотларнинг долзарб вазифаларидан биридир. Белгиланган стратегияга асосан иккинчи босқичнинг вазифалари қаторида биринчи босқичда аниқланган йўналишлар ҳам ҳаракатда бўлади ва ниҳоясига етказилади. Шу хусусда, давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказишни ва ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлашга эришишликни ва ниҳоят миллий валюта-сўмни яна ҳам мустаҳкамлаш, иқтисодиётимиз структурасини тубдан ўзгартириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлилигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш каби вазифаларни кўрсатиш мумкин.

***

Муаллифнинг асарида барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шарти сифатида чуқур таркибий ўзгартиришлар зарурияти атрофлича асосланган. Бунда ғоят бой табиий маъдан — хом ашё, меҳнат заҳираларига астойдил таянишимиз, улардан самарали фойдаланишимиз назарда тутилади.

Муаллиф кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш муаммосини атрофлича таҳлил этган. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг ор-номуси ва қадр-қимматини, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлишлиги асосий мақсад тарзида кўтарилган. Бу мақсад аслида ислоҳотларнинг ижтимоий таянчи бўлиб ҳисобланади. Барпо этилаётган демократик давлат ёки жамият ўзининг адолатпарварлиги билан ажралиб турмоғи лозим. Бунда жамият ҳаддан ташқари бойларга ва ҳаддан ташқари камбағалларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик тақозо этилади.

Шунга биноан асарда республикамиз шароитида бу масалани ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатилган. Бунинг учун хусусий кичик корхоналарни, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни жадаллаштириш, ходимларни янги соҳаларга жалб этиш учун уларни қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этиш, вақтинча ишсиз қолганларни давлат томонидан муҳофазалаш каби тадбирлар кўзда тутилади.

***

Асарда, соғлом авлодни яратишдаги чора-тадбирлар тўғрисида кенг фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бунда хотин-қизларни, ёшларни жамиятда тутган ўрни ва уларга эътиборни ошириш каби масалалар устивор ўрин эгаллаган. «Она тўғрисида, унинг фарзанди тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлатимизнинг муқаддас бурчидир» — деб таъкидланади мазкур асарда.

Шу билан бирга миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик, юксак маданият орқали ўтишлигига алоҳида урғу берилган.

Асарнинг жозибали жойлари барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг салоҳиятидан буюк давлатимизни барпо этишда мукаммал фойдаланишга даъват этишлигидадир. Қадимдан ўзбек халқи Туркистоннинг яхлитлиги учун, бу ерда яшайдиган халқларнинг бирдамлигини ҳимоя қилиб, курашиб келган кенг қалбли халқдир. Бу қадимий ота меросларимустақиллигимиз шароитида яна ҳам уйғунлашиб бормоғи лозим. И. А. Каримов халқимизнинг мана шу улуғвор фазилатларини давом эттириш тўғрисида теран фикрлар юритади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур асар ҳозирги замон бозор иқтисодиёти назарияси билан онгимизни бойитадиган, унинг қонуниятларини республикамиз ижтимоий ҳаётида турлича намоён бўлишлигини асослаган, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштириш йўналишларини белгилаган ва республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг долзарб ва стратегик муаммоларини атрофлича таҳлил этиб, мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлишлигини асослаб берган фундаментал изланишларнинг самарасидир.

Қолаверса, бу асар халқимизнинг қадимдан то ҳозиргача бўлган буюк маънавий меросини, қадриятларини, турмуш тарзини жаҳон жамоатчилиги олдида намойиш қиладиган бой хазинадир.

(Давоми, боши биринчи бетда.)

кинчи босқичнинг асосий вазифалари ва устивор йўналишлари китобнинг 2 нчи қисмида батафсил, илмий-назарий жиҳатдан мукаммал таҳлил қилиниб, аниқ ва равшан кўрсатиб берилган.

Китобда кўрсатилганидек, биринчи ва эҳтимолки, асосий вазифа мулкларни хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказишдан иборат.

...Иккинчи энг муҳим вазифа — ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда корхоналар, тармоқларнинг, ҳам умуман давлатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигига эришишдан иборат.

Учинчи муҳим вазифа — миллий валюта — сўмни яна ҳам мустаҳкамлашдан иборат.

Тўртинчи стратегик вазифа — иқтисодиётимиз структурасини (таркибий тузилишини) тубдан ўзгартириш, хом ашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, унинг сифатини ва рақобатга бардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказишдан иборат.

Буларнинг барчаси пировард натижада одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, уларда бозор муносабатлари руҳиятини шакллантириш зарурлигини назарда тутади.

Миллий тикланиш фақат маънавий, руҳий янгиланишни тақозо қилиб қолмай, иқтисодиётни тубдан янгиланишини ҳам талаб қилади. Миллий иқтисодиёт бир кунда ва қисқа вақтда барпо этилмайди, ташкил бўлиб қолмайди. Балки машаққатли, кўп йиллар давомида шаклланиб, ривожлана боради. Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотлар қисқа муддатли тадбир-чоралар билан шакланиб қолмайди, балки кўп йиллар давомида босқичма-босқич амалга оширилади.

Абдуғафур НАБИЕВ (Низомий номидаги ТДПИ Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, профессор):

Бу асарнинг ниҳоятда қимматли эканлигини ҳисобга олиб, «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» асарини педагогика олий ўқув юртлари, умумтаълим, янги типдаги барча мактабларда чуқур ўрганиш бўйича махсус курс дастурини тузиб чиқдим. Бу дастур қўлёзмаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги Илмий методик Марказнинг илмий кенгашида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Мен ҳозирги сўзимда «Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши — иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий негизидир» деган ғояга тўхталиб ўтмоқчиман. Бу мавзуда халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизнинг янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгалиги, шунингдек, бунда ислоҳотларнинг биринчи босқичида бошдан кечирган воқеалар ва қилинган ишлардан қандай муҳим, зарур маънавий сабоқлар олганлигимиз таҳлил этиб ўтилган. Она Ватанимиз — бойлигимиз, мустақиллигимиз ва ғўзал келажакка ишончимизнинг асосий манбаси экан, буюк аждодларимизнинг руҳи қўллаган, бизга илҳом бераётган ва эгнимизни бут, қорнимизни тўқ қилаётган шу муқаддас заминга муҳаббат бамисоли битмас-туганмас чашмадай қайнаб туради. Шодиёна дамларда, мусибатли онларда ҳам биз ундан мадад оламиз, у бизга янгидан куч беради, янги умидлар бағишлайди. Улкан маданий мерос майдони бўлган заминимиз — қадриятларини авлодларга ўтказиб, замонларнинг чамбарчас алоқасини, маънавий ва маданий давомийлигини вужудга келтирди.

Мана олдимизда ҳали номаълум маданият ва нозик санъат обидаларини ўрганишдек масъулиятли вазифа турибди. Булар мезолит — ўрта тош асрида яратилган қоя тошларига ўйиб ишланган расмлар, қадимги ёзувлар тарихи, қулдорлик даврида яратилган ва ҳозир ҳар хил тепаликларга айланиб қолган қадимги шаҳарлар харобалари деворларидаги деворий суратлар, меъморчилик обидалари, араблар Ўрта Осиёга бостириб киргач, йўқ қилиб юборилган тасвирий санъат асарлари, Маъмун академияси ҳақидаги муҳим манбаларни ўрганишдек улкан илмий вазифалар турибди.

Шунингдек, вилоят, воҳа ва водийларда сақланаётган архив ва музей материалларига ҳам эътиборимизни кучайтириш жуда зарур.

Бу асардан ҳар ким оламолам маъно ва фойда олади.

Карим НОРМАТОВ (профессор):

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби тарихий-фалсафий асар бўлиб, давлатимизнинг тараққиёт босқичларини таҳлил қилади.

Асарда Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга бел боғлаган ҳар бир фуқаро — у олим бўладими, ишчи, хизматчи, деҳқон бўладими — ўз ишига жавобгарлик билан қарашга ҳамда ўз фаолиятини таҳлил қилишга чорлайди, ҳаётий сабоқлар чиқариш руҳида тарбиялайди. Ҳар бир фуқаро ўзига-ўзи жавобгар бўла олгандагина у умумватан масъулиятини ҳис қила олади, замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ўрганади. Шуни айтиш керакки, республикамизда маъмурий буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини ўзига хос тарзда енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, юртимизнинг ўзига хос шароитларини ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизини шакллантириш борасида амалга оширилган улкан ишлар китобда ихчам, аниқ илмий мантиқ билан тадқиқ этилади, оммавий тилда, содда ва равон ифода қилинади.

XX асрнинг улуғвор воқеаларидан бири истиқлол йўлини тутган бир қанча давлатларнинг юзага келиши бўлди. Инсоният тарихида шармандали ҳол бўлган мустамлакачиликнинг таянчларидан бири қулади. Истиқлолга эришган халқларнинг ўз-ўзини, қадриятларини англаб етиш, янгича мазмундаги дўстлик, иқтисодий, маданий алоқаларни мустақил давлатлар тарзида кучайтириш саъй-ҳаракатлари ўз ажойиб самараларини бермоқда.

Давра суҳбати қатнашчиларига таклиф қилардимки, партиямиз Марказий ҳайъатида ҳар ойда мазкур асарни ўрганиш борасида «Миллий тараққиёт ва истиқлол» муҳокама клуби ташкил қилиниб, нуфузли партия вакиллари, олиму фозиллар, зиёлиларимиз унда фаол қатнашсалар соз бўлур эди.

Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари ҳам бўлади. Ана шундай шароитда республика жамоатчилиги, хусусан, фаолият кўрсатаётган партиялар ислоҳотлар жараёнидан четда тура олмайди. Ҳар бир фуқаронинг бурчи ана шу ислоҳот жараёнларига ўзининг улушини қўшиш, ватанпарварлик, фуқаролик масъулиятини юксалтиришда демократияга ёрдам беришдан иборатдир. Ўзбекистон ҳамма вақт миллатлараро ўзаро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан ажралиб турган. Халқимизнинг шу анъаналари янада чуқурроқ томир отади деб ишонамиз.

Ўйлайманки, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси, йирик назариётчи, академик олим Ислом Каримов асарларини биз ижтимоий фанлар олимлари ўрганишимиз ва талабалар учун махсус курслар ўқишимиз вақти етилган.

Мен ишлаётган Тошкент автомобил ва йўллар институтида ушбу асар бўйича махсус курс дастури тузилиб, сентябр, октябр ойларида барча курсларда 24 соат ҳажмида маърузалар ўтилади ва синов билан якунланади.

Тошпўлат ТОШЛОНОВ (фалсафа фанлари доктори, профессор):

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари кейинги йилда яратилган иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий материалларни кенг қўламда қамраб олган ғоят муҳим аҳамиятга молик асардир.

Асарда Ўзбекистон Республикасида мустақиллик эълон қилинган кейинги йиллар даврида амалга оширилган ишларга якун ясалган, ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар ва кишилар дунёқарашида шаклланаётган янгича ўй-фикрлар кенг таҳлил этилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган катта ишлар юзасидан тегишли хулосалар чиқарилган. Асарда маънавият ва маърифат масалаларига ҳам алоҳида тўхталган. Чунки қадим замонлардан кишиларда маърифат ва маънавиятни шакллантирувчи куч зиёлилар эканлиги ҳаммага маълум. Зиёли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да — «Билим-маърифатли киши» дейилган. Шундай экан, ҳар бир илмли, маърифатпарвар шахс зиёлилар сафига киради. Булар жамият ҳаётида ўзларининг изланишлари билан алоҳида мавқе қозонадилар.

Юртбошимизнинг мазкур асарида иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш ҳақида гап борар экан, бунда ҳар бир олим, ўқитувчи, тиббиёт ходими, иқтисодчи, шоир ва ёзувчи, агроном ва бошқа соҳа ходимларининг муносиб ўрни борлигини кўрамиз.

Асарда бозор муносабатларига ўтиш — ҳаётий етуклик ва сабр-матонатни синовдан ўтказувчи ўзига хос имтиҳон эканлиги ва бунда маънавий бўшлиққа ёки кўнгилга келган ишни қилаверишга берилишга мутлақо йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланган. Шунинг учун маънавий-руҳий тикланиш ва покланишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Буларни рўёбга чиқаришда мактаб, маориф тизими ғоят катта куч ҳисобланади. Ҳозирги вақтда республикамиз бўйича 9 мингга яқин кундузги умумий таълим мактаблари, 600 га яқин мактабдан ташқари муассасалар, 500 га яқин ҳунар-техника билим юртлари ишлаб турибди. Буларда неча минглаб ўқитувчи тарбиячилар ёшларни илм-маърифатга ўргатмоқда, ватарпарварлик руҳида тарбияламоқда.

Асарда бизни ҳурсанд этадиган яна бир жойи шундаки, бунда халқ таълими, олий таълим тўғрисида жуда тўғри фикрлар баён этилган ва бутун тизимни янада қатъият билан тезроқ қайта қуриш зарурлиги кўрсатилган. Ҳозирги шароитда халқ таълими тизимини унинг барча бўғинларини ягона комплекс сифатида ташкил этиш талаб этилаётгани кўрсатилган. Бунда, албатта, кўп минг сонли маорифчи ходимларнинг роли ғоят каттадир. Бунинг учун уларни замон талабига жавоб берадиган дарсликлар, қўлланмалар кўргазмали қуроллар билан кенг таъминлаш лозим.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ

ТЕМУРБЕКНИНГ ҲАРБИЙ МАҲОРАТИ

САРКАРДАЛИК ИСТЕЪДОДИ

Демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган намойиллари асосида ривожланиш ва тараққий этиш йулига дадил қадам қуйиб, уз миллий давлатчилигини қайта тикланаётган келажаги буюк мамлакатимиз бу борада умумбашарий тараққиётга, бошқа халқлар эришган тажрибаларга, айниқса ижтимоий қадриятларга суянмоғи лозим.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо булдики, биз босиб утган йулимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк мамлакатимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, утмишдаги бой анъаналарини янги жамият қурилишига тадбиқ этмоғимиз керак».

Узбек халқи доврўгини бутун дунёга таралишида узининг бетакрор даҳоси билан жаҳон тафаккур ва маданият хазинасининг бойиб, такомиллашиб боришига бебаҳо улуш қўшган Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Боборахим Машраб, Абдулла Қодирий сингари атоқли аждодларимизнинг урни ва роли беқиёсдир.

1996 йили таваллудининг 660 йиллиги улкан тантаналар ва кўтаринки руҳ билан нишонланиши кутилаётган, XIV асрнинг ўрталарида сиёсий майдонга чиқиб Моровроуннаҳрда бир ярим аср давом этган мўғул хонлари зулми ва истибдодига барҳам берган, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий жиҳатдан кучли, марказлашган, мустақил давлат барпо этишдек олий мақсадга бор куч-ғайратини, билимини, истеъдодини, қобилиятини бағишлаган, уз ғояларининг ушалиши йулида Дашти Қипчоқ, Жата, Хоразм, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Шом, Кавказ, Кичик Осиё, Миср каби мамлакатлар ва юртларга қилган ҳарбий юришларни олиб борган улуг саркарда, донгдор ташкилотчи ва давлат арбоби соҳибқирон Темурбек курагоннинг ҳаёти ва фаолияти мана бир неча юз йиллардан бери тарих саҳифаларидан урин олиб келмоқда.

Шарқ ва ғарб тилларида буюк тарихий сиймо Темурбек тарихига оид солномалар, адабий-бадиий, илмий асарлар вужудга келди. Жаҳонгир ҳақида ҳар доим ҳам реал тарихий воқеликка мос келавермайдиган турли-туман, афсона ҳамда ривоятлар тўқилиб машриқу мағрибга тарқалиб кетди.

Сир эмас, совет тарихшунослиги, сиёсатшунослиги ва адабиётшунослигида соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти, у яратган марказлашган давлатнинг туб моҳияти, бош ғояси, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий, диний нуқтаи назардан жаҳон тараққиётида тутган урни ва аҳамияти аксарият ҳолларда ҳукмрон марксча-ленинча дунёқараш замирида сохталаштирилди, мазмуни жўрттага бузиб талқин қилинди.

Истиқлол туфайли республикамизда содир булаётган туб демократик ўзгариш ва қайта қуриш жараёни Темурбекнинг туркий халқлар давлатчилиги анъаналари, тажрибаларини кенг минтақаларга ёйганлиги ҳақидаги бор ҳақиқатни бекаму куст билишга, руй-рост англаб етишга имконият яратди.

Бутун онгли умрини «рости расти», «куч — адолатда» сингари инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган шиорларга суянган ҳолда сиёсат юритишга сарф қилган Темурбекнинг табиат инъом этган ақл-заковат, қобилият ва ҳарбий маҳоратни ишга солиб давлатни идора қилиш усул ҳамда услублари андозаларини белгилаб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлари, илгари сурган фикр-мулоҳазалари уз утмишига янгича назар билан ёндашаётган бугунги авлод томонидан ҳар томонлама чуқур илмий асосда урганилмоғи, ижтимоий фан соҳалари мутахассислари олиб боражак тадқиқотлар учун мавзу бўлмоғи керак.

Бизнингча, Темурбек асос солган марказлашган йирик феодал жамият ва у олиб борган сиёсат тўғрисидаги холис фикрни сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, тарихчилар, иқтисодчилар айтгани мақсадга молик.

Биз эса Темурбекнинг саркардалик истеъдоди, ҳарбий маҳорати, жаҳон ҳарб санъати ривожига қўшган улкан ҳиссаси хусусида манбаларда қайд этилган аниқ маълумотларга таянган тарзда уз мулоҳазаларимизни баҳоли қудрат билдирмоқчимиз, холос.

***

Темурбек ибн Тарағай ибн Абағай 1336 йилнинг 9 апрелида Моровроуннаҳрнинг ғузал шаҳарларидан бири бўлмиш Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)га қарашли Ҳўжа Илғор қишлоғида дунёга келди.

Темурбек ёшлик чоғидан ҳарб ишига ўзгача муҳаббат ва эҳтирос билан қарай бошлади. Унда ҳарбий санъатга бўлган қизиқишнинг ўта эрта пайдо бўлишида падари бузруквори, амир Қазарғон (1358 йили шаҳид бўлган) давлатининг арконларидан бири, мардлиги, шижоати ва олижаноблиги билан ном чиқарган амир Тарағайнинг (1360 йили вафот этган) маълум даражада таъсири борлиги шубҳасиз.

Навқирон ёшга етган Темурбек сал кам бир ярим асрлик мўғуллар истибдодига чек қўйиш, феодал тарқоқлик натижасида Чиғатой улусида ҳукм сураётган ўзаро низолар ва урушларга барҳам бериш, ташқи ва ички зўғум тўфайли тинкаси қуриган халқ оммасига мадад қўлини чўзиш, хароб бўлган шаҳар ва қишлоқларни қайта обод қилиш, улусни ташқаридан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилиш сингари олижаноб мақсадларни юзага чиқаришнинг бирдан бир йўли ҳокимиятни қўлга киритиш эканлигини яхши англаб етади. Яқин йиллар ичида рўёбга чиқажак режалари ҳақида Темурбек аввалдан уни қўллаб-қувватлаган, кейинчалик эса унинг энг садоқатли ва ишончли бек ҳамда саркардалари қаторидан ўрин олган Аббос, Жаҳоншоҳ, Кумари, Сулаймоншоҳ, Сайфуддин, Нуруддин, Идику Темур, Жаку каби тенгқурлари билан очиқдан-очиқ ўртоқлашар эди. Дўстлари Темурбекнинг яқин кезларда давлатни эгаллаш, жуда катта ҳудудда барпо этиладиган кучли салтанатга асос солиш, атоқли саркарда бўлиб етишишини олдиндан сезгандай ўзларини унга яқин тутар, у бел боғлаган жуда масъулиятли ва шарафли ишга киришишда мададкор бўлишларини руй-рост баён қилардилар.

***

Темурбек қасд қилган юмушни ниҳоясига етказишда унга таянч ва суянч бўлишга аҳд қилган, шодлик онларини ёки зиҳмат азобларини у билан баҳам кўришга, оғир дақиқаларда ундан юз ўгирмасликка қасамёд қилган биродарларининг беғараз қўмаги ва, айниқса, мўғул босқинчилари зулмидан азият чеккан Моровроуннаҳр халқи барча табақаларининг қўллаб-қувватлаши ҳамда бевосита иштирокида 1370 йили ҳокимиятни қўлга олиш, истилодан сўнг уз мустақиллиги, давлатчилиги ва бирлигидан маҳрум бўлган мамлакатни бирлаштириш, истиқлолни қайта тиклаш бахтига муяссар бўлади.

Темурбек тахтга ўтириш боиси ўлароқ ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда содир бўлган ижобий ўзгаришлар ўз ифодасини ҳарб ишида ва ҳарбий санъатда ҳам намоён этади.

Асосий карвон йўллари устидан назорат ўрнатиш, улус қудратини янада ошириш, халқ турмуш тарзини яхшилаш сингари устувор мақсадлар йўлида Темурбек ўша даврда тенги йўқ ҳарбий кучлари билан Жата, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Ироқ, Шом, Миср, Дашти Қипчоқ, Шимолий Анатолия, Ҳиндистон каби минтақаларга бир неча бор қўшин тортиб борди, оламшумул зафарлар қўчди.

Ҳарб тарихи Темурбекни жаҳоннинг энг буюк саркардаларидан бири сифатида, ҳақли равишда, тан олади.

Унинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда: моҳир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида ёрқин намоён бўлади.

Буюк лашкарбоши, ҳарбий ташкилотчи сифатида Темурбек ута интизомли армия тузишга, муҳораба чоғида қўшин қисмларини санъаткорона бошқаришга, жанг тақдири ҳал бўладиган жойларга ҳарбий кучларни ўз вақтида усталик билан йўллашга, ҳар қандай тўсиқ ва ғовларни тадбиркорлик билан босиб ўтишга, армиядаги жанговар руҳни керакли даражада ушлаб туришга муяссар бўлди.

***

Соҳибқирон турк-мўғул халқлари, хусусан, Чингизхон лашкари тузилишини, уларнинг жанг олиб бориш амалларини атрофлича урганиб, таҳлил қилади ва зарур ўзгартиришлар киритади.

Темурбек барпо этган армиянинг ички тузилиши Чингизхон тузган қўшин тизими ва тузилишига маълум даражада яқин бўлса-да, бироқ қуйидаги муҳим жиҳатлари билан фарқланар эди:

1. Чингизийлар қўшини ялпи мажбурият асосида ҳарбий хизматга чиқариладиган халқ лашкаридан иборат бўлган ҳолда, Темурбек армияси умумхалқ характерига эга эмас эди.

2. Чингизхон даврида қўшин асосини кўчманчи омма ташкил қилган эди. Темурбек қўшинига олий бош қўмондон курсатган аниқ талабга биноан чорвадорлар қатори косибчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик билан машғул утроқ аҳолидан ҳам сезиларли миқдорда аскар олинган.

3. Темурбек қўшинида ҳарбий кучларнинг асосини ташкил қилувчи отлиқ аскарлар билан бир қаторда пиёдалардан тузилган қисмлар ҳам анчагина бўлган. Маълумки, Чингизхон қўшини, забт этилган мамлакатлар аҳолисидан мажбурий тартибда тузилган ҳашарни ҳисобга олмаганда, пиёда аскарларга эга бўлмаган.

4. Темурбек Шарқда биринчилардан бўлиб ўз армиясига ўт сочар қурол, яъни туп раъдни олиб кирди.

5. Соҳибқирон тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб борувчи пиёдалардан тузилган махсус ҳарбий қисмларни ташкил қилди.

6. Темурбек жаҳон ҳарб санъати тарихида биринчи бўлиб қўшинни жанг майдонида етти қўлга бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.

7. Темурбек армиясида аёллардан тузилган бўлинмалар бўлиб, улар жанг чоғи эркаклар билан бир сафда турган, қаҳрамонлик ва матонат намуналари кўрсатган.

Темурбек қўшини таркибини Моровроуннаҳр, Дашти Қипчоқ, Хуросон, Эрон, Бадахшон, Мўғилистон, Хоразм, Мозандарон, Жата сингари ерлардан йиғилган аскарлар ташкил қилар эди.

Унда мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди: қўшин сон жиҳатдан аниқ ва пухта ташкил қилинган, унинг жанговар тартиби-ясол жангдан жангта такомиллаштирилиб борилган, армия уз замонасининг илғор қурол ва техникаси билан қуролланган, айнан бир турдаги қурол-яроғ, аслаҳа-анжом билан таъминланган, қисмлар бирбиридан кийим боши, тутган байроқ ёки туғи орқали ҳам фарқланган. Бундай ажралиб туриш жанг пайтида қўшинни бошқаришда жуда қўл келган.

***

Душман мудофаасини турли усуллар ёрдамида барбод қилиш, ғаним томоннинг йирик ва мустаҳкам мудофаа иншоатларига эга бўлган шаҳарларига қўққисдан кучли зарба бериш, забт этилган мамлакатнинг бошлиқларини ва, айниқса, лашкарбошиларини ҳибсга олиш, қалъа ҳамда қўрғонларни узоқ муддат давомида мухосара қилиш, ёв кучларини иложи борича кенг қамровда қуршаб олиш, унинг қишлоқ, шаҳар, туман, вилоятларини бирин-кетин фатҳ этиш, душманни батамом яксон этгунга қадар таъқиб қилиш, фатҳ бўлган юртларни бошқариш учун ўзининг ишончли вакилларини тайинлаш сингари стратегик мақсадларни кўзлаб иш юритиш Темурбекка қўплаб зафарлар олиб келди.

Тактика жиҳатдан Темурбек армияси ўзига хос хусусиятларга эга эди. Қушиннинг ясоли, қорахонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, чингизийлар қўшини жанговар тартибидан фарқли ўлароқ, етти қисм қўлга ажратилган, разведка аъло даражада йўлга қўйилган, қисмларнинг жанг майдонида ҳамда юриш вақтида талаб даражасида ҳаракат қилиши учун зарур тадбир ва режалар ишлаб чиқилган, уларни жанг пайтида оператив бошқаришга катта эътибор қаратилган. Темурбек унлик, юзлик, минглик ҳамда туман қўмондонларини танлаш масаласига бевосита раҳбарлик қилган. Лашкарбошилик салоҳиятига эга бўлган қўмондонларнинг тўғри танланганлиги ва ўз жойига қўйилганлиги аксар ҳолларда жанг натижасининг муваффақиятли якунланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

***

Соҳибқироннинг ҳарб санъатарихига «Лой жанги» номи билан кирган муҳорабада иттифоқдошлар чериги қандай ясолда жойлашганлигини кузатиш керак бўлади.

***

Йирик қўшин билан Моровроуннаҳрга бостириб кирган Илёсхўжа хуружини даф этиш мақсадида Темурбек ва Амир Ҳусайн черик жамлайдилар. Амир Ҳусайннинг сипоҳи Чиноз ва Тошкент оралиғидаги сув бўйини ўз қунимгоҳи қилиб турган Темурбек қўшини билан қўшилади ва белгиланган будал -яъни позицияларига тушади. Илёсхўжа сипоҳи ҳам Бодом суви ёқасига урнашади. Муҳолиф томон қоравулларнинг назари бир-бирига тўқнаш келгач, ҳар икки томон байроқларни ҳилпиратиб, дўмбираларни гумбирлатиб, сафларни ростлайдилар. Амир Ҳусайн барангарга бошчилик қилади. Барангарнинг қунбулида арлот қабиласининг вакили Тиланчи, илғор қисм ҳиравулда Улжайтуй апардий, Шер Баҳром, Пулат Буға, Фарҳод апардий, Малик баҳодир ва узга номдор баҳодирлар жойлашади.

Жуванғарга Темурбек қўмондонлик қилади, унинг қунбулида Сари Буға қипчоқ қавми билан туради. Ҳиравулга эса Темурхўжа уғлон тайинланади. Марказ — қўлда амир Жаку, амир Сайфуддин, амир Мурод барлос, Аббос баҳодир ва бошқа атоқли баҳодирлар жангга шай бўлиб туради. Баёндан Темурбек ва Амир Ҳусайн черигининг ясоли барангар, жуванғар, қўлдан иборатлиги, шу билан бирга барангар ҳамда жуванғарнинг ҳар бири қўшимча аскарий қисм-қунбул ва ҳиравулга эга бўлганлиги равшан бўлади. Бу ясолнинг нисбатан заиф томони шундан иборат бўлганки, барангар ва жуванғарга қараганда қўл анча кучсиз бўлган, унинг на илғор қисми, яъни ҳиравули, на қўмакчи захира қисми бўлган. Шарафуддин Али Яздий иттифоқчилар лашкарининг сон жиҳатдан ғаним сипоҳидан зиёд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Жанг бошланиш арафасида кучли жала қуйиб, жанг майдони лой бўлиб кетади. Намгарчиликнинг кучлилигидан кийим-кечак ва асбоб-анжом шу даражада оғирлашадики, пиёдада ҳам, отлиқда ҳам қимирлашга мажол қолмайди. Жата лашкари бошларига қиғиз ёпиниб, кийим-кечак ҳамда қуролярогни ёмғирдан пана қиладилар. Иттифоқчилар қўшини уларга яқинлашиши билан, жаталиклар қиғизлар остидан чиқиб дам олиб турган отлар билан жангга ташландилар. Темурбек ёвнинг амир Ҳамид ва унинг биродари Шангум нуён сардорлик қилаётган барангарига шиқаст етказади. Аммо рақибнинг Шировул ҳамда Ҳожибек қўмондонлигидаги қунбули иттифоқчилар барангари қунбулидан устун келади ва унинг сардори Тиланчини қувлаб унг қўлда турган Амир Ҳусайн қошигача олиб боради. Саросимага тушган Амир Ҳусайн аскарлари қочишга юз тутади ва таъқиб кетади. Лашкарнинг унг қанотидаги вазиятдан ҳавотирга тушган соҳибқирон ўз қўл остидаги ун етти фавж билан амир Шамсуддин бошчилигидаги ғаним қисмга кучли зарба беради ва уни тўзитиб юборади. Қўлга киритилган ютқни мустаҳкамлаш йўлида соҳибқирон Амир Ҳусайн ҳузурига чопар юбориб, биргалашиб душманнинг асосий кучларига ҳужум қилишни таклиф этади. Бироқ, мутакаббир Амир Ҳусайн: «Бу жангда ҳеч тиришиш керак эмас ва бу борада ортиқча уринмаслик лозим», — деб жавоб қайтаради. Эртаси жанг давом эттирилади ва Жата лашкари мағлубиятга учраб, қочишга тушади. Иттифоқчилар орқасига қарамай чекинаётган Илёсхўжа аскарларини таъқиб қила туриб амир Шамсуддин қисмидан ажралиб қолган аскарий гуруҳга дуч келиб қолади ва беихтиёр бу туп билан жидол қилишга мажбур бўлади. Кутилмаган фурсатдан усталик билан фойдаланган душман ўз сафларини қайтадан тартибга келтиради ва таъқибчиларга қарши бирдан ҳужумга ўтади. Иттифоқчилар танг аҳволга тушиб қолади ва улар отларнинг жиловини орқага буришдан ўзга чора топа олмайдилар. Қочаётганларнинг отлари лой ва балчиққа ботиб қолади. Тус-тўполонда ўн мингта яқин аскаридан жудо бўлган иттифоқчилар Кешга қараб равона бўладилар.

Мана шу мағлубиятдан керакли хулосалар чиқарган Темурбек 33 йил давомида олиб борган тухтовсиз юришлари пайтида қўшиннинг жанговар тартибини муттасил такомиллаштириб туришга катта эътиборини қаратди. У қўшин маркази-қўлни илғор қисм-ҳиравул ҳамда мададкор қисм-чағдавул билан мустаҳкамлади ва уни фақат олий бош қўмондон олдида масъул қилиб қўйди.

ТИМСОЛИЙ ТАЛҚИНЛАР

Тимсолларнинг бадиий ижодда тутган ўрни беқиёсдир. Бироқ тимсоллар халқ оғзаки ижодида яна ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки халқ оғзаки ижодидаги тимсоллар инсон ҳаёти ва ижодида биринчи тимсоллар бўлиб, бу тимсолларда халқнинг илк ижодий жараёни ўзини намоён қилади. Ҳатто, Ер, Осмон, Табиат ҳақидаги илк тасаввурлар ҳам тимсоллар шаклида эдики, бу тимсоллар кейинчалик инсонга ижодий парвозлар берди. Ана шу илк тимсолларни таҳлил қилиш халқ оғзаки ижоди тадқиқотининг асоси ҳисобланади.

Асотирлар, эртаклар шундан дарак берадики, ибтидоий тасаввур бугунги тасаввурдан фарқли ўлароқ дунёни рамзлар орқали қабул қилган ва рамзлар билан баҳо берган, табиат билан рамзлар орқали муносабатда бўлган. Ибтидоий инсоннинг тилини тўла маънода рамзлар тили дейиш мумкин. Улген ёруғлик ва эзгулик рамзи, Эрликхон зулмат ва ёвузлик рамзи, Қора дев — зулмат; Қизил дев — босқинчилик; Оқ дев — жала, булут; Сариқ дев — олов; Кўк дев — осмон рамзи, Момақалдироқ тангриларнинг овози; Яшин-тангрининг ўқи; Тоғ-тилсимли қўрғон; Осмон — эзгулик; Ер ости — ёвуз руҳларнинг макони рамзи эди. Барча нарса, тушунча, қарашлар, тасаввурлар, кўрқув, ваҳм, қувонч, шодлик, бахт кечинмалар барчаси рамз эди. Рамз орқали тушунтирилар, рамз орқали қабул қилинарди. Дунё рамзлардан иборат эди. Бу инсониятнинг илк, лекин абадул-абадга татигулик ижоди эди.

Тимсол инсон руҳиятининг тили бўлиб, у табиат билан ана шу тилда гаплаша бошлаган. Шу сабабли тимсоллар тилида асотирлар, эртаклар, эпослар юзага келган.

Аслида эртак, эпослар маълум даврдаги инсон кечинмаларининг маҳсулики, ундаги тимсолларни шарҳлаш бизни шу кечинмаларни бошдан кечирган одамларга яқинлаштиради. Биз тимсолларни тўғри шарҳлаган сайин, уларнинг ички дунёсига кўпроқ кириб борамиз. Асотир, эртак ва достонлардаги тимсоллар халқ тафаккурининг бойликлари бўлиб, бу тимсолларни тадқиқ қилиш халқ тафаккурини тадқиқ қилиш билан баробардир.

Эртак ва достонларимиздаги дев образи билан боғлиқ тимсоллар ана шундай тимсоллар сирасига кирадики, биз қўйида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Кўпгина эртак ва достонларимизда дев пари ва маликаларга қўриқчи, посбон ёхуд уларни асир қилиб олувчи зулмкор сифатида тасвирланади. Бу икки хил вазифа: ҳам қўриқчи, ҳам асир этувчи бўлиши эртак, достонларимизда тасодифийми?

Бизнинг этнография ва тарих фанимизда она уруғчилик ота уруғчилик тузуми тарзлари айтарли тўлиқ тикланмаган бўлса-да, бу масала бошқа чет эл олимлари томонидан махсус урганилган. Баҳовуддин Учолнинг «Турк асотирлари» И. Бахофеннинг «Она ҳуқуқи», Р. Бриффоннинг «Оналик» номли тадқиқотларида кўтарилган ва бутун Ғарб олимларининг асотирга бўлган муносабат ва талқинларини ўзгартириб юборган таълимот билан танишгач, бизда юқоридаги девларнинг икки хил функциясини шарҳлаш имкони туғилади.

«Қуёш ерининг паҳлавони», «Саид Ботир», «Тағрим тош» эртакларида ва «Оға Юнуснинг олиб қочилиши» достонида девлар гўзал қизларни, париларни тутқунликка солувчи сифатида гавдаланади. Эртак ва достонларимиздаги девларнинг бу функцияси Ота уруғчилик тузумига хос бўлиб, бу ерда Она уруғчилик тузумига хос қарашлар таъсири сақланиб қолган.

Маълумки, эркакларнинг аёллар устидан ҳукмронлиги жамиятни янги босқичга кўтарди, бироқ аёллар оилага бош бўлган пайтдаги оналик ҳуқуқлари чекланди. Аслида қиз ва парилар эркакларга ўз эркини бериб қўйган она уруғчилик тузуми тимсоли бўлиб, бу қараш халқ оғзаки ижодига сингиб кетган.

«Ойсулув» ва «Тўмарис» афсоналаридан маълумки, аёллар қабила ва уруғга ҳукмдор эдилар, улар барча нарсани, турли ижтимоий, сиёсий, хўжалик масалаларини ҳал қиларди. Ота уруғчилик яшаш тарзига ўтилгач, аёллар эркакларнинг асирига айланди, энди уларга фақат рўзғор ишлари ва бола тарбияси топширилди. Бундай яшаш тарзига аёллар узоқ вақт кўника олмай юрдилар, натижада аёлларнинг ана шу аҳвол руҳиясини акс эттирувчи асотир, эртаклар пайдо бўлди. Бу эртакларда аёллар ҳамиша барзанги ва ваҳмли девларнинг асираси сифатида тасвирланади.

Бундай тутқунлик «Рустамхон» достонида ҳам ифодасини топган.

Рустам «от устида ўтовнинг бўсағасидан қаради. Кўрди ажаб суратли бир қиз, жамоли кунни хира қилгудай, ҳар ким ҳуснини кўрса, ақли кетиб, отдан йиқилиб қолгудай, икки қўли орқасига бойланган, сочидан уйнинг керагасига бойловли турибди. Рустам бунга ҳайрон бўлиб, бир сўз деб турибди:

Алифдай қоматинг хипча белингдан,
Менга баён айла ўсган элингдан,
Хабар олмай ҳеч ким сенинг ҳолингдан,
Бу ерларга қандай номард бойлади,
Бойлаганни менга баён айлагин.
Қандай одам қилди қайгу зулмини,
Хафа қипти сендай тоза гулимни,
Отдан тушиб ечайинми қўлингни,
Бойлаганни менга хабар бер энди.

Қиз бу сўзни эшитиб, Рустамга жавоб бериб бир сўз айтиб турган экан:

Мени сўраб бехос бўлиб турмагин,
Ҳаяллама, кетгин, йўлдан қолмагин,
Вақти замон менинг куним битгандир,
Кетгин, мендай бўлиб, бунда ўлмагин.
Бу сўзларни айтар мендайин ночор,
Дам-бадамда келиб қолар аждаҳор,
Бизнинг шаҳримизни аждаҳор олган,
Уй бошига бир қиздан солиқ солган,
Мен бойландим, бугун навбатим етган,
Кўп турмагин, кетгин бундан, бегижон.

Бу парча қадимда ўтказилган қурбонлик маросими билан боғлиқ бир ҳолат ҳақида хабар бераётгандек туюлади бизга. Лекин ич-ичимиздан шундай бир савол туғилади: Нега энди «уй бошига бир қиздан солиқ солган» — нега энди қурбонликка қиз ёхуд аёл келтирилмоқда?! Бошқа эртак ва достонларимизда ҳам кўпроқ қиз ва аёлларнинг қурбонликка келтирилганликларининг ёхуд бўлмасам, дев ва бошқа ёвуз кучларнинг кўпроқ аёлларни ўғирлаб кетишганликларининг гувоҳи бўламиз.

Достондаги парчада гарчи қиз «бизнинг шаҳримизни аждаҳор олган» деётган бўлса-да, у аслида девларнинг (эртак ва достонларда дев ва аждарҳо ўрин алмашиб келади) тутқуни. Биз буни Рустамнинг энасининг сўзларидан билиб оламиз:

Офтобой деганим бир шоҳнинг қизи,
Қанча бўлди унга девлар талоши.

Достонда икки аёл — Ҳуройим ҳам, Офтобой ҳам тутқун сифатида тасвирланади. Ҳуройимга эри — Султонхоннинг ўтказаётган зулми:

...Султонхоннинг сўзи шундай бизларга,
Ханжар уриб сени дорга тортамиз —

билан девларнинг Офтобойга ўтказаётган зулми —

...Вақти замон менинг куни битгандир —

ўртасида нечоғлик фарқ бор? Достонда икки зулмнинг муқояса қилиниши тасодифийми? Бизнингча, тасодифий эмас. Бу парча бири иккинчисини тўлдириб, бири иккинчисини изоҳлаб келмоқдаки, бу бизга нима учун девлар ота уруғчилик тузимни ўзида тамсил этиб келиши сабабини англаб олишимизга ёрдам беради.

Баҳофен ўзининг «Она ҳуқуқи» номли асарида қадимда эркак ва аёл муносабатида она ҳуқуқи устун эди, шунинг учун қондошлик асосан онага қараб белгиланган. Она нафақат оилада, балки жамиятда ҳам, динда ҳам ҳукмрон эди деган хулосага келади.

Туркий халқлар тарихига оид археологик топилмаларда эркак «худо»лар тасвирига нисбатан аёл «худо»лар тасвири кўпроқ учрайди. Бу топилмалар ҳам қадимда туркий халқларда матриархал яшаш тарзининг узоқ вақт сақланиб қолганлигидан дарак беради. Бу топилмаларда тасвирланган аёл «худо» лар нафақат одамларнинг, балки барча тирик ва ўлик жонзотнинг, бутун табиатнинг она «худо»си сифатида талқин этилади.

Турк олими Баҳовуддин Учол ўзининг «Турк асотирлари» китобида туркларнинг бўридан тарқалиши тўғрисидаги қадим бир афсонани келтиради. Бу афсонага кўра турк Хоқонининг уч қизи бўлиб, Хоқон уларни Кўк тангрига эрга бериш ниятида юксак бир тоққа олиб чиқади ва уларни ўша ерда қолдиради. Бироқ қизларнинг олдига улкан кўк бўридан бўлак ҳеч бир жонзот келмагач, кенжа қиз тангрини шу бўри қиёфасида тасаввур этиб, унга турмушга чиқади ва улардан турк авлодлари тарқалади.

Узоқ давом этган тарихий тараққиёт давомида эркаклар аёллар устидан ғалаба қозонишга, ҳокимиятни қўлга олишга эришдилар. Ота уруғчилик тизимининг ғалабаси нафақат оилага, жамиятга, балки динга ҳам ўз таъсирини ўтказди: аёл «худо»лар ўрнига эркак «худо»лар келди.

Ота уруғчилик тузимидаги тенглик, эркинлик, меҳр-муҳаббат она уруғчилик тузими даражасида эмас эди. Чунки она учун ҳамма фарзандлари ҳам бирдек, ҳамма фарзандлари ҳам унга севимли бўлса, ота ҳамма фарзандларига ҳам бирдек эмас, у ё катта ўғлига ё кичик ўғлига кўпроқ меҳрибон бўлади. Ота ҳукмрон бўлган оиладаги бундай психологиянинг, тартибнинг ота уруғчилик яшаш тарзида ҳам акс этиши, яъни олдинги тизимдаги тенгликнинг бузилиши табиий эди.

Буларнинг ҳаммаси халқ оғзаки ижодида ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди.

Султонхоннинг юртини ташлаб Қурудум мамлакатига кетишига сабаб нима эди? Достонда бунга жавоб бор. Ҳуди. «Қадимги туркий тил» дарслигида «Умай қадимги туркларнинг оналик сифатига эга бўлган худоси»,— дея изоҳланади.

Маҳмуд Кошғарий Умайга шундай таъриф беради: «У боланинг қоиндаги эгаси. Умайқа топинса, Ўғил бўлади» деган масал бор. Хотинлар шунга эътиқод қилишади».

Шундай қилиб, Умай қаҳрамонлар ва ботир эрлар ҳомийсидир. Рустам ҳам ботир бўлгани учун Умайга топинган ва бу ҳақли равишда отада норозилик уйготиши табиий эди.

«Малика айёр» достонида девлар маликанинг шаҳри Торкистонни қўриқловчи посбонлар, уларга ёт босқинчилардан шаҳарни қўриқлаш вазифаси топширилган. «Юнус пари», «Машриқо» достонларидаги девлар ҳам шаҳар қўриқчиларидир. Тўмарис афсонасида эркакларнинг асосий вазифаси қабилани ёт босқинчилардан қўриқлаш бўлгани бизга тарих китобларидан маълум. Эркакларнинг қўриқчилиги билан девларнинг посбонлиги бир-бирига мос, муқояса келиши тасодифий эмас, достон айнан она уруғчилик яшаш тарзининг картинасини чизиб бераяптики, эркакларнинг дев қиёфасида тасвирланиши шу қарашларни акс эттиради.

Она ва ота ҳуқуқи тўқнашуви эртак ва достонларимизда тимсолий кўринишда бўлади. Оилага хўжайинлик қилиш учун Она ва ота ҳуқуқлари тўқнашуви достонларда девларга икки хил вазифа юклайди.

Она ва ота ҳуқуқининг тўқнашуви достонда онгсиз, англашмаган туйғу таъсирида сюжет чизиғини белгилаб беради.

Тикланиш руҳи — ижодий руҳ

Санъаткор аёллар

САОДАТМАНД ИЗТИРОБ

(Бадиа)

...Ҳеч бир жараён муаллақ тарзда, бушлиқда вужудга келмагай.

Ҳеч бир жараён ўз ҳолича, замину замондан айро тарзда кечмагай.

Илло, ҳар бир жараён замирида туйқус мутаносиб келиб қолган минглаб, миллионлаб тасодифлару эҳтимоллар қатори биз ҳали тўла англаб етиб-етмаганимиз улуғ бир қонуният, иродаҳоҳиш ётади.

Бу — эл иродаси.

Бу — эл ҳоҳиши.

Ирода истаклан юксакроқ, ҳоҳиш эса олдиндан белгиланган муайян қолиплар, чизиб қўйилган эркинлик доираси ҳорижига ўтиб кета олгувчи куч.

Инчунин, абадий тириклик дарахти тобора гуллаб-яшнай боргани мисол, бизнинг ижтимоий турмуш тарзимиз, онгимиз, руҳиятимиз тадрижий равишда мунтазам комилликка интила боради.

Ва шу жараённинг моҳияти — инсоннинг ўзлигини англаш сари қўйган эзгу қадамидир. Ҳолбуки, қадам ташлаш, хусусан, лойқарчиликдан энди сўгуриб олинаётган оёқлар учун, асло осон кечмагай...

Насиб этган эркинлик шабадаси сархушлиги ботинида эл бутун изтироблар жараёнини ҳам бошдан ўткармакда.

Гарчанд жилд-жилд асарлар битган эса-да, «миллат» сўзини бирон марта бехавотир қаламга олмаган адиб бугун неларнидир исботлашга уринишнинг асосида ўзини қувғинда бўлиб келган жафокаш миллатпарвар этиб кўрсатишга уринса, бундан эл изтироб чекади;

Элнинг аҳволи билан иши бўлмай, ўз ғамини еб, дов-давлат тўплаб ётган курси эгасини кўрганда, унинг аҳволини мулоҳаза қилганда халқ бош чайқаб, изтироб чекади;

Ҳозир қайси давраларга кирманг битта мавзу: Бозор, пул, пул, пул... Меъдага тегади. Лекин ҳиссиётларимизни бироз босиб, ўйлаб кўрсак, халқимизнинг пул санашнигина эмас, балки уни қандай жойлаштириш, сарф қилишни урганаётгани, тинимсиз бош қотираётгани, менимча, ижобий ҳодиса.

Биз илгари пулга кир, қўлнинг кири деб қараб келдик. Бойликдан нафратландик. Аммо пул кир эмас, ҳаётнинг қури бўлишини ақлли бозор иқтисодига кириб билдик...

Бироқ... улуғ файласуфлардан бири инсоннинг қизара билмагини ҳам улуғ неъмат санагани мисоли, изтироб чека билмак ҳам улуғ саодат эканини унутмайлик ва шуқроналар айтайлик.

Изтироб — теран ҳиссиёт, азоблар ҳосиласи. Изтироб руҳни тозартиради, дилни тозартиради.

Не ҳушким, бугун дасти калталигидан изтироб чекиб турган миллатдошимиз эрта-бурускун сармоядор бўларкан, ўтиш жараёни сабоқларини унутмас — фарзандини маърифатли этмоққа чоғланар;

не ҳушким, бугун халқ ҳаётидан хабардор қаламкаш ёлғон ёзишдан ҳазар қилгуси, ҳақиқатни, ҳақ сўзни ўткинчи манфаатлар, ҳой-ҳаваслардан устун қўйгуси;

не ҳушким, бугун бир неча йил бошланишида турган ўсмир эрта-бурускун оқил ҳўқўқшуносга айланар, қурилаётган ҳўқўқий-демократик давлатнинг асосларини илм-салоҳияти билан мустаҳкамлар.

Оқибат биз тадрижий ривождаги чексиз-ададсиз издиҳомнинг янги, юксакроқ жараёнига утамиз. Ва шунда биз ўзбек юрти аталмиш улуғ мамлакатнинг муносиброқ фарзандларига айланамиз. Илло, ҳеч бир жараён муаллақ тарзда, бушлиқда вужудга келмагай, ҳеч бир жараён ўз ҳолича, замину замондан ташқарида кечмагай — ҳар қандай жараён замирида элнинг ирода-ҳоҳиши ётади...

Достоевский қаҳрамонларини яхши қураман. Айниқса Соня Мармеладовани. Наздимда бир дўстимиз бурнини жийириб, «сариқ паттали-да», дея баҳо берган бу қиз қошида одамлар таъзим қилсалар арзийди. Чунки у эришган комиллик жуда-жуда юксак ва шу комилликка эришувига боис бўлган изтироблар эса инсон қалбини уртаб юборар даражада жуда-жуда чуқур. Шу қадар чуқурки, сарғайиб кетган саҳифада қизнинг исмига дуч келишингиз билан юрагингиз симилдаб оғрий бошлайди, китобни ёпиб, қаёқлардир бош олиб кетингиз келаверади...

Ёхуд бошқа бир мисолни олинг. Улуғ Цвейг ажойиб новеллаларидан бирида изтиробни жисмдаги яранинг тузалиш олдидан ловуллаб оғришига менгзайди...

Бизнинг руҳимизда балки жароҳат бор. Асл изтироб — унинг малҳами...

Бундан тўрт-беш йил олдин, зоҳидона умр кўргувчи бир шоир билан суҳбат асносида камина «Изтироблар орқали эришдим тариқатга», мисраси билан бошлагувчи қораламалар қилгандим.

...Бугун ўтиш жараёнининг табиий ташвишларига қумилган ёрдўстлар чеҳраларида изтироб кўланкаларини илғарканмиз, беихтиёр кўнгилга ёруғлик сизиб киргандай туюлаверади. Зеро, изтироб фарзанди бўлмиш ажиб келажак тобора ва тобора яқинлаб келаётгандай, умидвор нигоҳларимиз қошида унинг шакл-шамойили тобора аниқроқ пайдо бўлаётгандай...

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

Ҳаёт манзаралари

Абдурашид ИСРОИЛОВ

ОТАМНИНГ УЛФАТЛАРИ

Отамнинг улфатларини ҳавас билан эслайман. Ҳаммалари хушфеъл, оқил, тақводор, намозхон, эътиқоди баланд кишилар эди. Ёшлари деярли тенг бўлган. Ҳазрати Имом, Ҳофиз қўйки, Сакбон, Якка чўп, Гуруч ариқ, Ёв деб аталмиш қўшни маҳаллаларда ўсиб, улғайишган. Ўспиринлик йилларидан «гап» еб, улфатчилик қилишган.

50-йиллари ёш боламан, пойгакда ўтириб кичик юмушларни бажарардим. Суҳбатларини тинглардим.

Уларнинг улфатчилиги файзли, жуда ажойиб ўтарди. Ҳар ойнинг бошида, жума кунлари тўпланишарди. Ҳазрати Имом жоме масжидида жума намозини ўқиб, сўнг кимнинг навбати бўлса, шуникига гапга борардилар. Дастурхон ҳўл мева, қовун-тарвуз, ширинликларга бисёр бўларди. Оғизда эриб кетадиган парвардаю пашмак, ҳолвалар, тоза асал, тош-новвотлар.

Онамиз раҳматли, аммаларимиз хамир қориб, кулчатой қилишар, гўшт қайнатилган шўрванинг сувига пиширишар эди. Кейин аёллар кулчатойни кокиладек қилиб тўғрашарди. Нориннинг гўштини эркаклар уйда ўтириб, суҳбатлашиб тўғрардилар. Пиширилган яхна гўштни нонинг юзига қўйиб туриб, ўткир пичоқ билан майдалаб тўғрар эдилар. Тўғралган гўшт кокилдек бўлиб тоғорага тушарди. «Норинга уч хил гўшт тушса, мазали бўлади» дейишарди. От гўшти, қўй гўшти, тўш (сур гўшт). Иссиқ-иссиқ тандир сомса тортиларди. Ҳўл норинга тўғраб, истеъмол қилиш учун лочиралар ёпиларди. Турфа таомлар, «ким ўзар»га меҳмон кутиш деган гаплар бўлмасди.

Аския, ҳазил-ҳузил, мусиқа бўларди. Кўпчилиги дутор чалишни билишган. Қуръони карим таъбири, ундаги аъмоллар хусусида, илм-маърифат масалалари ҳақида суҳбатлар бўларди. Катта меҳмонхонага йиғиладиган бу азиз меҳмонлар кўз ўнгимдан кетмайди. Зиёвуддин қори (Ибн Эшон Бобохон), Ғуломқодир пўстиндўз, Абдуқодир шайх (амакиларимиз), Низом қори, Минурбон домла, Абдулла қори, мулла Пўлат домла, Муҳримжон қори, Абдусоатхўжа, Солиҳбой, Қобилжонбой, Ваҳоб ҳожи, Миробидхон (халқ артисти Суръат Пўлатовнинг оталари), Эгамберди ошпаз, Тўрахўжа ошпаз, Шамсиддин дўппифуруш, Умаршайх, Шамсиддин қори, Мирмаъди заргар, Ғанихўжа, Қаюм савдогар... ҳаммалари бу дунёдан иймон-эътиқод, покизалик билан ўтиб кетишди. Аллоҳ раҳмат қилсин.

Отамиз Абдуманноп Исроил шайх ўғли ва улфатларининг ҳаёти, фаолиятлари, касб-корлари билан боғлиқ жуда кўп воқеалар борки, бугунги кунда афсона деб аташ мумкин. Ҳаётий тажриба, ўзига хос пандунасиҳат деб қабул қилиш мумкин бу воқеаларни.

ЭГАМБЕРДИ ОШПАЗ

1936-38-йиллар. Қимматчилик. Турмуш ниҳоятда оғир. Боз устига қатлиом балоси миллатимизнинг энг покиза, илғор вакилларини тобора домига қаттиқроқ тортиб боради. Ана шундай вақтларда ҳам тўйлар ўтказилган. Қариндош-уруғ, ошна-оғайни, ҳеч бўлмаса қарз-ҳавола қилиб, тўй қилинарди. Шоаҳмад ака ўғиллари Жавлон, Давронларни суннат тўйи қилишга қарор қилди. Бу вақтда Шоаҳмад ака озми-кўпми обрў ортирган, хизмат жойи — Олий Кенгашда ҳам, маҳалла-кўйда ҳам ҳурмати жойида. Хуллас, тўй куни белгиланди. Ака-укалар униси ун, буниси ёғ дегандек, қўллаб юборишди. Боқиб юрган бир қўзилари бор эди, шуни сўйдилар. Кам-кўсти тўлдирилди. Наҳорда маҳаллага ош беришга келишилди. Самоварчи, нонвой тайинланди. Ўша вақтда энди-энди обрў қозониб келаётган гуручариқлик ёш ошпаз Эгамберди айтилди.

Шоаҳмад аканинг хонадони Чиғатой дарбозаси даҳасида, Хуррият кўчасида бўларди. Бу хонадонга катта кўча — Баланд кўприк орқали борса ҳам, Кайковус суви бўйлаб орқа томондан борса ҳам бўлади.

Субҳидамда одамлар «тўйлар муборак бўлсин» деб, саф-саф бўлиб келаверишди. Эгамберди ошпаз обигардонни ошга тўлатиб, рухсат сўраб кўчага чиқади. Маҳалла қарияларидан бири фотиҳага қўл очиб, дуо қилади:

— Омийн, қўли-кўзинг дард кўрмасин. Эл-юртимиз тўқ бўлсин. Ҳар кимникида ҳам тўй бўлаверсин. Касбу-корингга Аллоҳ барака ато этсин, болам, Аллоҳу акбар!

— Раҳмат тақсир, илоҳо, айтганингиз келсин...

Шоаҳмад ака ошпазни кузатаркан:

— Ука, хизматингизга рози бўлинг. Қўлингиз ширин экан. Дамлаган ошингиз кўпчиликка манзур бўлди. Биздан қайтмаса, худодан қайтсин, — деди.

— Сиз ҳам, Шоаҳмад ака, мана бунга рози бўлинг, — деди ошпаз қўлидаги халтасига имо қилиб. — Тўй болаларининг роҳатини кўринг, катта бўлишсин.

— Мингдан-минг розиман.

— Катта қозондаги ёғни силқитиб, пақирга солиб қўйдим. Қозонга сув тўлатдим. Укаларим чайиб қўйишар. Тоғорада икки-уч лаган қайтган ош бор...

Эгамберди ошпаз тўйхонадан чиқиб, Баланд кўприк орқали тушиб, Гуруч ариқ томон йўл солди. Пича юргач, рўпарасидан от-аравада беш-ўн чоғли киши яқинлашди, уни четлаб ўтишди. Ҳаммалари басавлат, башанг кийинган. «Ошга келишаётган бўлса-я!» — Эгамберди хаёлидан яшиндай ўтган фикрдан ҳушини йиғди. Шошилиб от-арава изидан пойлади. От-араванинг усти очиқ, фойтун ҳам дейишарди — ўша бориб, Шоаҳмад аканинг кўчаси оғзида тўхтади.

Энди гапни тўйхонадан эшитинг. Шоаҳмад ака Олий Кенгашдан келган ҳурматли меҳмонларни кўриб, боши осмонга етди. Сўрига жой ҳозирланди. Қанд-қурс, мева-чева дастурхонга тўкилди. Шоаҳмад аканинг Қичқириқ бўйидаги боғларида пишган қандил олма, нашвати нок, зарқалдоқ шафтолилар, бўрикалла, тошлоқи, кўкча, босволди қовунлари дастурхонга файз киритди. Мезбонлар Йўлдош Охунбобоев, Усмонхўжаев ва яна олти-етти меҳмонни тўрга ўтқазиб қўйишди-ю, Шоаҳмад аканинг ичини ит тимдалади. Нима қилиш керак? Шундай азиз меҳмонлар келсаю, олдиларига қўйишга бир ошам ош бўлмаса?!.

— Шарманда бўлдик! — деб юборди уй соҳиби акасининг елка қисиб келаётганини кўриб.

— Ука, нимасини айтасан, борини солдик. Қандоқ қилайлик?!. Йўқчилик қурсин, 2-3 кило гуруч ортиқ солганимизда бу кўйга тушмас эдик! Майли, сен меҳмонларни бироз гапга солиб тур, мен кеннойингга айтаман, жиз-биз қилиб юборар.

— Э, ака, нималар деяпсиз, тўй ошига келган одамни жиз-биз билан кутамизми?!.

Шу пайт ичкари ҳовлидан чиқиб келган ўн беш, йигирма ёшлар чамасидаги ўспирин акаукининг гапини бўлди:

— Амаки, ошни сузавершсинми?

Бу савол Шоаҳмад аканинг жон-жонидан ўтиб кетди. Назарида ўспирин йигит унинг асабини синовдан ўтказаётгандек туюлди.

— Ошпаз аллақачон қозонни чалиб кетди-ку, яна қанақа ошни сузади?! — дағдаға қилди овозини пастлатиб Шоаҳмад аканинг акаси.

Ўспирин йигит бўш келмади:

— Йўқ, амаки, ошпаз шу ерда. Ташқари ҳовлида, қозоннинг тепасида ўтирибди. Ошни сузсинларми, сўраб келгин, деб юбордилар мени. Яна неччи лаган ош кераклигини ҳам билиб келгин дедилар.

Унча-мунчага ўзини йўқотмайдиган оғир-вазмин Шоаҳмад ака ажабтовур мўъжизага дуч келган одамдек на қулоғига, на кўзига ишонди. Турган жойидан шаҳд билан ташқари ҳовлига қараб юрди. Етди, ер ўчоқ кавлаган жойга қарадию, нё кўз билан кўрсинки, ошпаз остига бир боғлам шох ўтин ташлаб, қозондаги ошни ағдараяпти:

— Ё, алҳазар! Ука... Ахир ўзим кузатиб хайрлашган эдимку?!.

Эгамберди ошпаз қисқа, лекин мириқиб кулди.

— Кейин тушунтириб бераман, нечта ош сузай? — сўради у капгирини қозон устида сермаб.

— Меҳмонлар тўққиз киши... — деди Шоаҳмад ака, қозонинг ичига мўралашга юраги дов бермай.

— Демак, бешта! Қани, ювилган лаганлардан узатингларчи!

Мана бу гўштни тўғранглар!..

Меҳмонлар тўй болаларинга дуо қилиб, фотиҳа ўқиб, туришди. Мамнуият билан кўчага чиқиб, хайр-хушдан кейин жўнашди. Шоаҳмад ака уларни кузатди-ю, ҳамон юз берган «мўъжиза»га ақли бовар қилмай ошпазнинг ёнига ошиқди. Бу вақтда ошпаз бир лаган чиқар-чиқмас ошни қозондан сидириб олиб, яна обигардонга солаётган эди.

— Офарин, Эгамберди ука! Тасанно! Мени бир умрлик ҳижолатдан халос этдингиз. Бу, қандай қилиб...

Эгамберди ошпаз энди узоқ, бемалол кулди. Обдон кулгисидан тўхтагач, юз берган ҳодисани — йўлда кетатуриб меҳмонлар келаётганини кўргани, қозонда ош қолмаганини эслаб, ғизиллаб изига қайтганини ва обигардондаги ош айни асқотганини сўзлаб берди.

СЎВДИМУ БУЛБУЛ БЎЛДИМ

Озарбойжон халқ баётлари

О, қушлар, оға қушлар,
Қўнибди боққа қушлар,
Дарахтларни кесдилар,
Учишди тоққа қушлар.

*

Дарахтда хазон йиғлар,
Тагида гўзал йиғлар,
Ёрдан айрилган ошиқ
Саргардон кезар. Йиғлар...

Йиғларман йиғлар каби,
Дардим бор тоғлар каби.

Хазон бўлдим. Тўкилдим
Шувуллаб, боғлар каби.

*

Ой эмасман. Юлдузман.
Келинмас, ҳали қизман.
Эшикда турган ўғлон,
Ёнимга кел. Ёлғизман...

*

Олчалар, ой олчалар.
Яшил чалар, ол чалар...
Қабримни чуқур қазинг —
Душман кўрар, кўл солар.

*

Ошиқ, ночор йиғлама,
Кунлар кечар йиғлама,
Фалак ёпиқ эшикни
Бир кун очар, йиғлама.

*

Булоқ боши туз бўлар,
Ён-атрофи қиз бўлар.
Мен сени гул демайман,
Гулнинг умри оз бўлар.

*

Бу йўлдан ўтган яхши,
Йўлингга кетган яхши.
Қезмоққа — ғурбат ўлка,
Ўлмоққа ватан яхши.

*

Бу йўлдан кетиб келмас,
Билмадим — нетиб келмас.
Бу дунёдан кетганлар.
Қабридан чиқиб келмас.

*

Бу нодон шартта урди,
Не ёмон вақтда урди.
Номард душманлар мени
Дўстдан йироқда урди.

*

Бундан бир отлиқ кетди,
Отин ўйнатди, кетди.
Қуёшдай шафақ сочди,
Ой каби ботди, кетди...

*

Бундан узоқ Ғанжадир,
Зулфинг панжа-панжадир.
Ўлим осон — бир дафъа,
Айрилиқ ўлгунчадир.

Озарбойжон тилидан
КАРИМ ҲАКИМЎҒЛИ
таржимаси

Исматулла АБДУЛЛОҲ,
профессор

ЯХШИ ХИСЛАТ

АХЛОҚ-ОДОБ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТДАГИ МОҲИЯТИ

Ахлоқ (бирлиги хулқ) арабча сўз бўлиб, моҳият, табиат, борлиқ, табиий хусусият, фазилат, хислат, феъл-атвор, сифат, ирода, саботкаби маъноларни билдиради. Агар «ахлоқ» сўзига «ли» қўшсак, ахлоқли бўлиб, ижобий маънони касб этади, агар «-сиз» қўшимчасини қўшсак, «ахлоқсиз» сўзи ясалиб, салбий маънони билдиради.

Одоб (бирлиги адаб) сўзи эса яхши тарбия; юриш-туришдаги яхшиликлар, хушхулқлилик, хушмуомалалилик, ҳурмат; билим, маърифат, дониш, фан каби маъноларни билдириб, «ли» қўшимчасини олса, ижобий, «-сиз» қўшимчасини олса, салбий маънода ишлатилади.

Бу икки сўз ахлоқ ва одоб доим ёнма-ён келиб, инсон пайдо бўлибдики, энг асосий фалсафий тушунча сифатида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Қандай жамият бўлмасин, ахлоқ ва одоб масаласи доимо подшолар, ҳукмдорлар, олиму шоирлар, фозилу донолар, дин арбоблари, ота-оналар ва тарбиячиларнинг диққат марказида бўлиб, инсон тарбиясида асосий омил сифатида хизмат қилган.

Бу икки сўз устида ҳар қандай жамиятда бош қотиришган, чунки инсонни ахлоқ ва одобли қилиб тарбиялаш жамият учун ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб, ҳозиргача кун тартибида биринчи ўринда турибди. Бусиз жамият инқирозга юз тутади. Бу ҳақда дунё халқларининг муқаддас диний китоблари, адабиёти ва халқ оғзаки ижодида юзлаб, минглаб турли ривоят ва афсоналар тўқилган ва ёзиб қолдирилган. Олимлар ва ёзувчи-шоирлар асарларининг асосий қисмини инсон ахлоқ ва одобини тарбиялаш масаласи ишғол этган.

Қуръон ривоятларида Нуҳ қавмининг ахлоқи бузилиб, пайғамбарига итоат этмагани учун, Аллоҳ тўфон балоси юбориб, сувга ғарқ қилиб юборди, од қавми фаҳш ишларига берилиб кетгани ва пайғамбари ҳамда Худога итоат этмагани учун шамол балоси юборилиб ҳалок этилди. Солиҳ пайғамбар қавми самуд Аллоҳга ибодат қилишдан бош тортгани учун ер қаттиқ қимирлаб ютиб юборган. Бундай ривоятлар Таврот ва Инжилда ҳам мавжуд. Кўриб турибмизки, қавмларда ахлоқ ва одобнинг йўқлиги уларни ҳалокатли фожиаларга гирифтор қилган.

Биз шўролар тузуми даврида ахлоқни турларга бўлиб талқин қилдик: коммунистик ахлоқни дунёда энг буюк, олижаноб, пок ахлоқ деб жар солинди. Бу ҳақда юзлаб диссертациялар ёзилди, китоб, рисолалар чоп этилди, вақтли матбуот тинимсиз бу ахлоқ ҳақида бонг урди, олий мактабларда фалсафа ва илмий коммунизм дарсларида коммунистик ахлоқ ҳақида оғиз кўпиртириб маърузалар ўқилди, лекин мамлакатда ичкиликбозлик, ўғирлик, порахўрлик, фоҳишабозлик, лаганбардорлик, диёнатсизлик, манманлик, амалпарастлик, мутакаббирлик каби иллатлар кундан-кун кучайиб, ахлоқ ва тарбия тубанлашиб, бузилиб, ҳалокат ёқасига яқинлашиб борди.

Шўролар тузуми даврида буржуа ахлоқи тинимсиз танқид қилиниб, унинг тамом яроқсизлиги, ҳалокатга юз тутиши ҳақида ёзилди ва ҳамма минбарлардан туриб гапирилди. Лекин ҳаётнинг ўзи буржуа ахлоқи билан коммунистик ахлоққа ўз баҳосини берди. Бир неча асрлар давомида синовдан ўтиб шаклланган ахлоқ яна ўз мавқейини тиклади.

Бутун мусулмон халқлари тарихида минг йиллар давомида ижобий рол ўйнаб келган, халқнинг қон-қонига сингиб кетган ва тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга бўлган диний, исломий ахлоқ реакцион, социализмга ёт деб (шўролар даврида) инкор этилди, муҳим аҳамият касб этадиган диний-ахлоқий китобларни ўқиш ман этилди. Буюк алломаларимизнинг ахлоқ ва одоб ҳақидаги ҳикматли, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлари ўқитилмади.

Ахлоқни коммунистик ва буржуа деган туркумларга бўлиб ўрганишни мен нотўғри деб ҳисоблайман. Айрим давлатларда ахлоқ ва одоб ўзининг дин, миллий урф-одатлар, анъаналар билан боғлиқ томонларига эга бўлиши мумкин.

Ахлоқ ва одоб икки турлидир: 1. Ижобий, инсон ҳаётига зарар етказмайдиган яхши фойдали ахлоқ ва одоб; 2. Салбий, инсон ҳаётига футур етказадиган, ёмон ва зарарли ахлоқ ва одоб. Бу бир-бирига қарама-қарши ахлоқ шакллари инсон пайдо бўлибдики, ҳамма тузумлар, ҳамма давлат шаклларида ҳукм суриб келган; салбий ахлоқ ва одоб тамойилларига қарши кураш, инсонни ахлоқли ва одобли қилиб тарбиялаш ҳар бир давлат бошлиғини, олиму фозилларни, шоиру ёзувчилар, тарбиячи ва муаллимлар, ота-оналарнинг бошини қотирган. Ёмон ахлоққа қарши курашда давлатлар ўз қонунларини жорий қилганлар. Ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, порахўрлик, ўғирлик, безорилик, ҳукуматга қарши чиқишлар каби ахлоқ-одобга зид бир қанча иллатларга қарши қонунлар дунёдаги ҳамма давлатларда мавжуд. Бу қонунлар баъзиларида жуда қаттиқ, оғир, аянчли. Масалан, гиёҳ билан қўлга тушса, Саудияда бошини қирқади, Эронда осади. Ислом давлат дини бўлган давлатларнинг кўпчилигида ўғирнинг ўнг қўли пастки бўғинидан қирқилади, фоҳиша ва фоҳишабоз тошбўрон қилиб ўлдирилади, ичкилик қонун билан таъқиқланган. Лекин давлатлар томонидан ахлоқсизлик ва одобсизлик ва унинг кўринишларига қарши қандай қонунлар чиқарилмасин, энг бой, тараққий этган давлатларда ҳам бу масала тўла ҳал этилмаган. Илм-фан тараққий этиб, халқ ҳаёти юқори даражага кўтарилиши уларнинг ахлоқ ва одобини тузатолмаяпти, киши онгини тарбиялаш масаласи ҳозиргача ҳал этилгани йўқ.

Бу ҳақда ўз шахсий мулоҳазаларимни баён этмоқчиман. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг бир қанча чиқишларида иймонли бўлиш ва покланиш ҳақида гапирди, бу икки сўз бошқа кўплаб раҳбар ходимлар, олим, ёзувчилар томонидан тилга олинмоқда, ойнаи жаҳон ва радиода, вақтли матбуотда қайд этилмоқда.

Иймон арабча сўз бўлиб, «ишонч» маъносига эга. Бу дегани Худога, унинг пайғамбарларига, муқаддас китобларига, қиёматни бўлишига ишониш деганидир. Шуларга ишонган киши мўъмин ёки иймонли деб аталади.

Мўъмин ўз-ўзидан мусулмондир. Демак, у ислом йўл қўйган фарз ва суннатларни бажариш билан бирга, Қуръон ҳаром қилган ёмон ишлар: ичкилик, қимор, бутпарастлик, порахўрлик, ўғирлик, фоҳишабозлик, инсофсизлик, судхўрлик (пулни фойдага қўйиш), ёлғончилик, фирибгарлик, иғвогарлик, ҳасад, бировлар ҳақига хиёнат қилиш кабилардан тўла сақланган бўлиши керак. Ана шундай одамнигина иймонли, диёнатли, деб аташ мумкин.

Поклик сўзи эса форс-тожикча сўз бўлиб, тоза, покиза, соф, айбсиз, гуноҳсиз, камтар, ҳалол, тўғри; тақводор, диёнатли маъноларига эга. Ана шу хислатларни ўзида мужассамлаштирган киши покланган ҳисобланади. Ваннада обдан ювиниб, тоза кийим кийиб, соч-соқолини қириб, хушбўй одеколонлар сепиб ўзини зийнатлаб кўчага чиққан киши зоҳиран покланган. Покланиш қалбда бўлиши керак, кишининг қалби юқорида зикр қилганимиз олижаноб хислатлардан холи бўлса, у покланган эмас. Иймонли бўлиш ва поклик бир-бирига боғлиқ тушунча: иймонсиз киши покланган эмас, покланмаган эса иймонли бўлолмайди. Ичкилик ичса, пора олса, қимор ўйнаса, фоҳишабозлик, ўғирлик каби иллатларни қилса, ундай одам қандай қилиб ўзини иймонли ва пок инсон қаторига қўша олади.

Энди ахлоқ ва одоб масаласига келсак, иймонли ва покланган киши ўз-ўзидан мукаммал ахлоқли ва одобли киши ҳисобланади. Иймонсиз ва нопок киши ахлоқсиз ва одобсиз инсондир. Улардан яхшилик кутиб бўлмайди. Тарихга назар ташлайлик: руслар Ўрта Осиёни эгалламасдан аввал бизда ичкилик ичиш оммавий тус олмаган, эшикларга қулф тушмаган. Маҳаллада бирор киши йўлдан тойса, маҳалла аҳли уни йўлга солган.

Кейин ароқ келди, секин-аста ерли халқлар унга ўрганди, жиноятлар содир бўла бошлади. Оилада, мактабларда тарбия ниҳоятда сусайиб кетди, маҳаллаларда тарбия ўрнига ичкиликбозлик, тўйларда исрофгарчилик кучайди. Амалпарастлик, мутакаббирлик, манманлик авж олди. Мана шу аҳволда қолган мамлакатда биз мустақилликка эришдик. Президентимиз И. Каримовнинг оқилона сиёсати туфайли иқтисодий, савдосотиқ, саноат, қишлоқ хўжалиги, ташқи сиёсатда катта ютуқларга эришдик, буни инкор этиб бўлмайди. Ахлоқ ва одобни асосан оиладан бошлаш керак. «Қуш уясида кўрганини қилади» деб халқимиз бекорга айтмаган. Фарзандли бўлиш фахрли. Лекин уни тарбиялаш масъулиятли вазифа ва ниҳоятда қийин. Бола туфайли «раҳмат» ёки «лаънат» эшитиш мумкин. Болани одобли ва ахлоқли қилиб тарбиялаш учун ота-онанинг ўзи иймонли, пок бўлиши керак. Ўзида йўқ нарсани боласига беролмайди. Мактабларда диний ахлоқ дарслари ўтиш, Ислом дининнинг тарбия соҳасидаги йўл-йўриқлари, Қуръон ва Ҳадислардан, буюк аллома-ларимизнинг таълим-тарбия ҳақида айтган ҳикматли ва ибратли сўзларидан фойдаланиш жойиз. Президентимиз И. Каримов Олий Мажлис 2-сессиясида қилган маърузасида шундай деган эди: «Ислом дини — бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўгитларга амал қиладилар. Меҳр-муҳаббатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар».

Ичкиликбозликни батамом йўқотмай одамларни иймонли, пок қилиб, ахлоқ-одобни тузатиб ҳам бўлмайди. Пайғамбаримиз ичкиликни «Умм-ул-ҳабоис» (Жамийки оғир гуноҳ, жиноятлар онаси) деганлар.

Одоб ва ахлоқ масаласи илму маърифат ва касбу ҳунар билан чамбарчас боғланган, бойлик, молпарастлик бунинг зиддидир.

Бу ҳақда мен алломалар сўзларидан келтириш билан кифояланаман:

ҲИКМАТ. Донолар илмни молу мулкдан афзал дейдилар. Айтишларича, илм мағиз бўлса, мол унинг пўсти, илм гул бўлса, мол унинг ҳидидир. Доно кишилар доимо ўша мағизни қўлга киритиш учун заҳмат чеккандир. Чунки илм, аввало фазилатли кишилардан мерос бўлса, мол эса Ҳорун ва Ҳомоннинг меросидир. Иккинчи, илм камтарлик келтирса, мол манманлик келтиради. Учинчи, илмли кишининг дўсти кўп бўлса, молдор кишининг душмани кўп. Тўртинчи, молдор кишилар ўта хасис ва бахил, илмли кишилар саховат эгаси бўладилар. Бешинчи, илм дунёда обрў келтирса, мол-дунё азоб келтиради. Демак, илм ранжи кишининг хазинаю ганжидир. Мол-дунё ганжи эса бошдан-оёқ ранжидир.

Муҳаммад жавҳар ЗАМИНДОР

***

Бордию, кишининг учта фарзанди бўлса, ҳар учовига ҳам илм ўргатгани яхши. Агар бундай имкониятга эга бўлмаса, биттасига илм ўргатсин, биттасига ҳунар ва яна биттасига зироат ёки тижорат ўргатсин. Умуман уларни бирор фойдали иш билан машғул қилиб нобакор ва қабиҳ кишилар билан улфат ва ҳамсуҳбат бўлишдан қайтариш керак.

Муҳаммад ибн муҳаммад АЛ-ЖОМИЙ

***

Яхши хислат жаҳонда олий мартаба ва юксак даражага етказувчидир. Аммо бунга етишиш воситаси илм ва одоб бойлигидир.

Муиниддин ЖУВАЙНИЙ

***

Аёллар ҳам эрлар каби истеъдодга эга кишилар бўлиб, ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ бўлишларидан ташқари, оиланинг асосий тарбиячиларидир. Шундай экан, улар ҳам зарур илм билан қуролланишлари керак.

Фахрулбанот СУЛАЙМОНИЯ

***

Фарзанд қанчалик азиз ва мукаррам бўлмасин, агар у одоб зийнатидан бенасиб бўлса, кўриш қувватидан маҳрум кўзга ўхшайди.

Фарзанд бўлса агар ноаҳил, бадкор,
Ҳосилсиз дарахтдир бесамар, беор!

Бархурдор ИБН МАҲМУД

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0282

10000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Муҳаммад ИСМОИЛ